O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

# Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 3-iyun № 66 (2791) payshanba



Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

САҲИФАЛАРИМИЗДА



Ўзимизнинг қўғирчоқлар

4-бет



Мажбурий меҳнат нима?

6-бет



Бекаларга маслаҳатлар

10-бет



Полиомиелитга қарши эмлаш

13-бет

# Камолот йўли

***Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, таълим тизимида эришилаётган ютуқларга энг оммавий ташкилотлардан бўлган касаба уюшмалари ҳам катта ҳисса қўшиб келаётир. ЎзКУФК ўқув марказида бўлиб ўтган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида бу борада ўтган вақт мобайнида олиб борилган ишларга назар ташланди.***





— Бутун дунёда иқтисодий инқироз ҳукм сураётган бир пайтда халқ таълими ходимларига қулай меҳнат шароити яратиш мақсадида шаҳримизда қатор ибратли ишлар амалга оширилди, — деди тармоқ кенгаши раиси Тоибахон Акрамова. — 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Пойтахтимиздаги 303 та мактабдан 248 таси мазкур дастурга киритилганлигини таъкидлаш жоиз. Ўтган даврда 5 та янги мактаб қурилди, 16 таси капитал реконструкция қилинди, 115 таси капитал, 112 таси жорий таъмирланди.

Шунингдек, ўқув-лабаратория ускуналари, мебел ва жиҳозлар ҳамда ўқув-техника воситаларини харид қилишга 5 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Ҳисобот даврида ёшлар ва хотин-қизлар, ижтимоий муҳофазага муҳтож педагог-ходимлар, ногирон, пенсионер ва байналмилалчи жангчилар, Чернобил фожиасида жабр кўрганларга алоҳида эътибор қаратилди.



Анъанавий кўрик-танловлар кишига ғайрат-шижоат бахш этиб, янада фаолликка ундайди. «Меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш», «Энг намунали аспирант, талаба ва ўқувчилар турар жойлари» сингари танловлар мунтазам ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

— Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимида 77 мингга яқин талаба ва 53 минг 500 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар бирлашганини алоҳида айтиб ўтиш лозим, — деди маърузачи. — Берилаётган юксак эътибор ва имкониятлар самараси ўлароқ, ёшларимиз эришаётган ютуқлар кўлами ортиб бораётгани кишини қувонтиради. ЎзМУ, ТДИУ, 1-Тошкент педагогика коллежи каби бир қатор олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида яратилган шароитлар, сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланган ўқув-лабораториялари, кутубхоналарни кўриб ҳавасингиз келади. Талабаларимизнинг хорижда таҳсил олиб, ўз иқтидорлари билан чет эллик тенгдошларини лол қолдираётгани барчамизга катта умид бағишлайди.

Маърузачи, шунингдек, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, аъзолар ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш сингари долзарб масалалар ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтди.

Шундан сўнг тафтиш комиссияси раиси Н.Фатхуллаеванинг ҳисоботи тингланди.

Маърузачи амалга оширилган хайрли ишларни эътироф этган ҳолда йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам эътиборни қаратди.

Маърузалар муҳокамаси юзасидан ЎзМУ маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Қ.Қуронбоев, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси М.Абдуллаева, Тошкент давлат педагогика университети талабаси О.Кирилина ва бошқалар сўзга чиқиб амалга оширилган ишларни алоҳида эътироф этди ва ташкилот фаолиятини янада жонлантириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Конференцияда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан олиб борилган ишлар ижобий баҳоланди ҳамда янги муддатга раисликка Т.Акрамова қайта сайланди.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ichonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

# Шўрчига «Isuzu» келди

***Тадбиркорлик билан шуғулланиб, маблағ орттирган элдошларимиз энг сўнгги русумдаги енгил автомашиналардан тортиб, автобусларгача харид қилишаяпти. Фалончининг шахсий автобуси бор, деган гап бугун ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Кўз тегмасин, Сурхон воҳасида ҳам хусусий автобуси бор тадбиркорлар сони кўпайиб бораяпти.***

Бир нечта шўрчилик тадбиркорлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «ISUZU» русумли автобуслардан харид қилиб, аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишга ҳисса қўшаяпти. Ҳозир туманда бир неча йўналишда хусусий автобуслар қатнамоқда. Масалан, тадбиркор Бахтиёр Муҳаммадиевнинг иккита хусусий автобуси «Ун-завод-тиббиёт коллежи» йўналиши бўйича 10 километрлик масофада одамлар оғирини енгиллаштирмоқда.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Маҳалла болалари яйради

***Учтепа туманида жойлашган «Кўҳна Чўпон ота» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, маҳалла ёнидаги боғ ҳудудида катта байрам бўлиб ўтди. Унда маҳалланинг кам таъминланган, ночор, ёрдамга муҳтож оила болалари қатнашди.***

Иштирокчилар ёқимли мусиқалардан баҳраманд бўлишди, рақсга тушишди, қувонишди.

— Болалар қувончини кўришдан ортиқ бахт йўқ, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лутфулло ака Тўлаганов. — Уларнинг баркамол бўлиб вояга етишида ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Оқ йўл, раис!

**Денов туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашининг V ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси муовини И.Нуралиев ҳамда тафтиш комиссияси аъзоси А.Сулаймоновнинг 2005 йилдан 2010 йилгача бўлган ҳисоботлари тингланди.**

5 йил давомида мактаб ўқувчиларини оромгоҳларга жалб қилиш, уларнинг кўнгилли дам олишлари учун шароит яратиш, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фахрийларнинг соғликларини тиклашда амалий ишлар қилинганлиги, ноқонуний ишдан бўшатилганларнинг касаба уюшма аралашувидан кейин яна қайта ишга тикланиши борасидаги саъй-ҳаракатлар тилга олинди. Музокараларда кенгаш фаолиятида эришилган ютуқ ва камчиликлар хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Конференция делегатлари туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раис Омон Абдуллаев номзодини маъқуллаб овоз беришди.

**Ўрол БЕКМУРОДОВ**

# Пухта тараддуд

***Сирдарё вилоятида мавсумда 3300 нафар боланинг оромгоҳларда соғломлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, вилоят ҳокимининг қарорига кўра муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

Ҳомийлар ёрдамида Зомин туманидаги «Гулистон», «Юбилей», Гулистон, Сирдарё, Оқолтин туманларидаги «Турон», «Сирдарё», «Бургутча» оромгоҳлари сифатли таъмирланди. Зарур жиҳозлар, ёнғинга қарши, транспорт ва алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланди. Эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар фарзандларининг соғломлаштирилишига катта эътибор қаратилмоқда. Гулистон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси»да тарбияланаётган 70 нафар ўғил-қизга вилоятдаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши учун имтиёзли йўлланмалар ажратиладиган бўлди.

Шунингдек, дам олиш мавсумида ёшлар форуми, фестиваллар, табиат қўйнига саёҳатлар ҳам уюштирилади.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

# Ўқувчиларга – стипендия

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашида ҳар йили Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож педагог ходимлар фарзандлари учун байрам ташкил этиш анъанага айланган.***

Бу йил ҳам шундай бўлди. Кам таъминланган педагог-ходимларнинг жамоатчи, фаол, аълочи фарзандларининг 50 нафарига энг кам иш ҳақи миқдорида бир маротаба бериладиган стипендиялар таъсис этилди.

Тадбир дастурига кўра, ўқувчилар «Болалар боғи»даги хилма-хил аттракционлардан бепул фойдаланишди.

«Ситорабону» тантаналар уйида стипендиантларга стипендия ва гувоҳномалар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят кенгаши раҳбарияти иштирокида топширилди.

«Тарона, «Шодиёна» ва «Табассум» дасталари тақдим этган маданий дастур, кўнгилочар қўшиқ ва рақслар барчага шодлик улашди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Энг муҳим ва долзарб вазифа

***Болажонларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил қилиш бугуннинг энг муҳим, энг долзарб вазифаларидан саналади. Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда шу масалага бағишлаб ташкил қилинган семинар йиғилиш икки кун давом этди.***

— Биз ҳар бир фарзанд эътиборсиз қолмаслигини, ғамхўрлигимиздан баҳраманд бўлишини истаймиз, — дейди бирлашма раиси Раҳимберган Матрасулов. — Албатта, таътилни кўнгилли ўтказишнинг энг мақбул йўли болажонларимизни дам олиш лагерларига жалб қилишдир.

Бу йил вилоятда 38 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиб, уларга 11 720 нафар болажон жалб қилинади.

— Шубҳасиз, бу кўрсаткич кам, — дейди бирлашма раҳбари. — Шу боис, бир қатор академик-лицей ва мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил қилинмоқда.

Семинар йиғилишнинг дастлабки куни Янгибозор туманидаги «Шунқор» оромгоҳида ўтди. Ушбу оромгоҳ 2009 йилги ёзги соғломлаштириш мавсумини юқори кўрсаткичлар билан якунлагани учун республика болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича комиссиянинг дипломи ва компютер жамламаси билан тақдирланганди. Беш йилдан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган ушбу оромгоҳ Баркамол авлод йилида 120 нафар болажонни ўз бағрига олади.

— Бунинг учун ҳамма шароитларни тахт қилдик, — дейди оромгоҳ раҳбари Ҳамро Бектемиров. — Ётоқхоналаримиз, ошхона, барчасини таъмирлаб, жиҳозладик. 18 нафар малакали мутахассис ишга жалб қилиниб, улар аллақачон тиббий кўрикдан ўтказилди. Дам олувчи болалар рўйхати олинди.

1 июн куни бу ерда очилиш маросими ўтказилиб, гулхан атрофида концерт дастури намойиш қилинди. 2 та тиббиёт хонаси, 130 ўринли ошхона, тўгараклар хонаси, маънавият хонаси тахт ҳолга келтирилди. Ҳар бир кун учун махсус режа тузилди.

— Оромгоҳимизда ахборот ресурс марказидан иккита, болалар ижодиёт марказидан иккита тўгарак фаолият кўрсатади. Шунингдек, спорт машғулотлари олиб борилади. Умуман, бу ердаги ҳар бир кун болажонларимизга қувонч келтиради деган умиддамиз, — дейди оромгоҳ катта етакчиси Дилфуза Матёқубова.

Семинар йиғилишда «Шунқор» каби 2009 йилги мавсумни муваффақиятли ўтказган олтита оромгоҳга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан вилоятнинг футболчи қизлар жамоасига спорт кийимлари тортиқ қилинди. Ушбу қизлар ҳам ёзги таътилни ушбу оромгоҳда ўтказишлари режалаштирилган.

Семинар йиғилишида иштирок қилган вилоят ҳокими Олаберган Олаберганов ўтган йили учраган камчиликларга бу йил йўл қўймаслик лозимлигини уқтирди. Оромгоҳлар фаолиятини намунали йўлга қуйиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ ва тавсиялар берилди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**

***Мамлакатимизнинг ҳамма жойида бўлгани каби туманимизда ҳам ўқувчиларни ёзги соғломлаштириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Бугунги кунда туман ҳудудида бешта болалар оромгоҳи ташкил этилмоқда. Умуман, бу йил ўқувчиларимиздан 500 нафарини соғломлаштиришни кўзда тутганмиз.***

# ...Биз бир ёндан

Табиийки, бунинг учун йил бошиданоқ ҳозирлик кўрилди. Туман ҳокимлиги томонидан зарур шарт-шароит яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Тегишли ташкилотлар қурилиш ва таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказишди. Оромгоҳларда ишлайдиган мутахассис ва бошқа кадрлар танлаб олинди. Зарур озиқ-овқат захиралари ва жиҳозлари билан таъминлаш чоралари кўриб қўйилди. Биз фермерлар ҳам ушбу савобли ишга кўмаклашишга бел боғлаганмиз.

Биз оромгоҳлар учун зарур бўладиган маблағни ўтказиб бериш билан бир қаторда, зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз вақтида кечиктирмасдан етказиб бериш чораларини кўрмоқдамиз. Имоним комилки, бу йил ҳам туманимизда болалар таътилни кўнгилдагидек ўтказишади.

**Нилуфар АБДУЛЛАЕВА,**
**Мингбулоқ туманидаги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалик раҳбари**



# Йўлингиз бехатар

Темир йўл вокзаллари ҳар куни сон-саноқсиз инсонларни кузатиб, яна қанчасини кутиб олади. Бу вокзаллардан бир пайтлари юртдошларимизни уруш жангоҳларига кузатишган бўлса, ҳозир кимдир тижорат, кимдир дийдор ишқида, яна кимдир бошқа қувонч ва ташвишлар билан поездларга ўтиради.

Оролбўйида кузатишлар ичида энг мароқли ва масъулиятлиси болажонларимизни мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳларга кузатиш ва кутиб олиш бўлса ажабмас.

Бу йил қорақалпоғистонлик болаларнинг 6100 дан зиёди маҳаллий оромгоҳларда соғломлаштирилса, 2000 дан ортиғи таътилни мамлакатимизнинг бошқа гўшаларида ўтказиш бахтига муяссар бўлмоқдалар.

Болажонларни Тошкент вилояти оромгоҳларига кузатиш 7 июндан бошланади. Бунинг учун тайёргарликлар аллақачон кўриб қўйилган.

Болалар ва кузатувчилар поездларда бепул бориб келадилар. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, поездни ички ишлар ходимлари кузатиб боради, шифокорлар эса саломатликларини назорат қилиб туришади. Шунингдек, ҳар 30 нафар болага биттадан тарбиячи бириктирилди.

Дарвоқе, 2000 нафар — бу чегараланган рақам эмас. Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касаба уюшма ташкилотлари ҳам ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари асосида бир қатор болаларни мамлакатимизнинг сўлим гўшаларида дам олдириш ниятида.

**Ўз мухбиримиз**

***Болаларнинг ёзги таътил кунларида кўнгилли ҳордиқ чиқариши ва улар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, бошқа профилактик тадбирларни ташкиллаштириш борасида жиддий тайёргарлик кўрилди.***

# Назорат қатъий

Тошкент шаҳар ҳокими ва пойтахт касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг 2010 йил 25 мартдаги «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудларида жойлашган 22 та ёзги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш ва уни ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари томонидан жойларга чиқиб текширувлар ўтказилди.

Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар, «Тошгидромет» бошқармалари, хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизматининг Ангрен ва Бўстонлиқ кузатув станциялари, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассислари, ҳудудий ҳокимликлар, ички ишлар ва ёнғин хавфсизлиги бўлимлари ходимлари иштирокида жорий мавсумда фаолият кўрсатадиган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳолати ўрганиб чиқилиб, далолатномалар тузилди.

— Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг аксарияти тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашганлиги сабаб, бу масканлар атрофида рўй бериш эҳтимоли бўлган кўчки ва сел, ёнғин хавфи билан боғлиқ бўлган табиий ва техноген тусдаги офатларнинг ҳолати бўйича масъул ходимлар томонидан батафсил ўрганиб чиқилди ва мутасадди идоралар раҳбарларига зарур тавсиялар берилди, — дейди Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Элдор Орипов. — Айни кунларда болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ҳудудида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш мавзуларига бағишланган плакатлар, эслатмалар ва услубий қўлланмалар тайёрланмоқда.

Қолаверса, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари атрофида жойлашган тунги қаҳвахоналарда мавсум давомида спиртли ичимликларнинг сотилишини тақиқлаш ва қатъий назоратга олиш зарурлигига мутасаддилар томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда.

**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист**

# Довруғи дунёга таралган мажмуа

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида бир-биридан кўркам болалар спорти мажмуалари қурилиб, замонавий жиҳозлар, тажрибали мураббийлар билан таъминланди.

Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли «Геолог» спорт-соғломлаштириш марказини нафақат республикада, балки чет мамлакатларда ҳам яхши билишади. Чунки бу ерда кўплаб халқаро турнирлар ўтказилади.

Ҳозирги замон ва Шарқ меъморчилигининг сўнгги ютуқлари асосида қурилган мажмуада ҳомий ташкилот раҳбари, сенатор Алишер Султоновнинг ташаббуси билан кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғига бақамти жойлашган катта кўл сузиш ишқибозлари билан ҳамиша гавжум. Каруселлар, аттракционлар, ўйин майдончалари кичкинтойларнинг севимли масканига айланган. Уларнинг хуштаъм музқаймоқлар, шарбатлар истеъмол қилиши учун ҳам шароит яратилган. Ҳар ой бу ерга 20-25 минг киши ташриф буюради.

Яшил майдончада вилоятнинг «Севинч» аёллар футбол жамоаси машғулот ўтказади.

Спорт-соғломлаштириш марказида моҳир мураббийлар фаолият кўрсатади. Каратэ бўйича Осиё ва Ўзбекистон чемпиони Люция Бойбўлатова, турли спорт турларидан сабоқ берадиган Нигина Шарипова, Баҳром Саидов, Наргиза Ҳайитова, Оксана Василевалар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бўлганида шароитни янада яхшилаш, моддий-техника базаси ва мутахассис кадрлар сифатини ошириш юзасида маслаҳатлар берган эди. Юртбошимизнинг тавсияси асосида спорт-соғломлаштириш маркази қайтадан чирой очиб, тобора кўркамлашиб бормоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

Ishonch 2010-yil 3-iyun № 66 (2791)





Ўзбек ҳунармандчилиги қадимдан ўзининг бетакрор услуби, бой тасаввури билан аждодлардан болаларга мерос бўлиб келмоқда. Дунёнинг барча давлатларида фан-техника тараққий этган сайин қўл ишлари ўз ўрнини завод, фабрика ва саноат корхоналарига бўшатиб берди. Шундай бўлса-да, юртимиздаги миллий ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ота касб сифатида сақланиб қолган. Истиқлол йилларида эса қадимий қўл меҳнати билан яратиладиган ҳунармандчиликнинг барча турлари янада ривожланиши учун кенг йўл очиб берилди.

# Ўзимизнинг қўғирчоқлар

Насиба Аҳмедова бир неча йилдан буён қўғирчоқлар ясаш билан шуғулланиб келади. Унинг «Алпомиш» асаридан олинган қаҳрамонлар, келин, раққоса каби халқимизнинг миллий қиёфасини акс эттирувчи ижод намуналари АҚШ, Франция, Англия, Россия, Украина каби давлатларнинг нуфузли музейларидан жой олган.

Дарвоқе, Насиба опа мутахассислиги бўйича моделер-дизайнер. Унда қўғирчоқ ясашга бўлган иштиёқ қачондан бошланган, дерсиз?!

Насиба опанинг танишларидан бири ундан миллий кийимдаги қўғирчоқ нусхаларини ясаб беришни сўради. Шу-шу миллий қаҳрамонларни акс эттирувчи қўғирчоқларни яратиш хоҳиши унда кундан-кун кучайиб борди. Ўзига талабчан эмасми, миллий санъат соҳаларига оид китобларни ўқиб чиқди, музейларда сақланаётган ноёб кийим, тақинчоқ ва бошқа ижод намуналарини кўздан кечирди.

У яратган қўғирчоқларда республикамиздаги турли вилоятлар — Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент аҳолисининг ўзига хос миллий қиёфаси акс этган. У қўғирчоқларнинг кийимларини тикишда ҳам айнан қўл меҳнати, қадимий услубларда тўқилган — беқасам, адрас, шойи каби миллий матолардан фойдаланади.

Ўтган йил Насиба опа учун омадли келди. Шу пайтга қадар у республикамизда ташкил этилган «Асрлар садоси» каби бир неча кўргазмаларда иштирок этди. Ушбу тадбирларда нафақат иштирокчилар, балки миллий кийимларни ўрганувчи тарихчиларимизнинг ҳам олқишига сазовор бўлди. Айни пайтда Насиба Аҳмедова «Ҳунарманд», «Ижод» Марказий Осиё ҳунармандчилик ассоциациясининг фахрли аъзоси.

Эндиликда Насиба опа ясаган қўғирчоқлар шаҳримиздаги кўплаб дўконларда сотилмоқда. Яқинда у пойтахтимиз марказидаги кўчалардан бирида ўзининг хусусий дўконини очишга муваффақ бўлди.

— Болажонлар учун кўплаб миллий қўғирчоқлар ишлаб чиқариш ҳаракатидаман деди у. — Ниятларимни амалга оширсам кичкинтойларимиз чет элдан келтирилган «Барби», «Синди» ларни эмас, балки ўзбек халқ эртакларининг қаҳрамонлари асосида яратилган қўғирчоқларни ўйнашади.

**Н. СОЛОВЁВА**

# Табиий, арзон ва маҳаллий



У қизи Нигора учун шошмасдан кўйлак изларди. Бироқ биронта ҳам кўйлак танлай олмади. Бирининг бичими, бошқасининг эса нархи тўғри келмади. Нигоранинг тоқати тоқ бўлди шекилли, инжиқлик қила бошлади.

— Балки дўконга бошқа сафар келармиз? — деди ҳафсаласи пир бўлган она.

— Мана бу янги кийимларни ҳозиргина олиб келдик. Ўйлайманки, сизга ёқади, — деди ишонч билан сотувчи. — Улар хориждан келтирилмаган. Шундай бўлса-да...

— Бунча чиройли бўлмаса?! — деди она қувончини яширолмай, қизининг эгнида товланиб турган кўйлакка тикиларкан.

Пойтахтимизнинг «Ипак йўли» кўчасида жойлашган болалар кийим-кечаклари дўконининг ходимлари бу гал ўзларининг тижорат сирлари билан ўртоқлашишларига тўғри келди. Маълум бўлишича, ушбу бежирим ва сифатли болалар кийимлари айнан шаҳримиздаги фабрикалардан бирида тикилаётган экан.

Телефон орқали «Denim park» ишлаб чиқариш фирмаси вакиллари билан боғландик ва кўп ўтмай фабрикага етиб келдик.

Фирма менежери Лола Маслова бизни мамнуният билан кутиб олиб, хилма-хил болалар кийим-кечакларини намойиш қила бошлади.

— Фирмамиз маҳсулотларига талаб катта, — деди Лолахон витринага қўйилган намуналарни кўрсатаркан. — Мана булар трикотаж маҳсулотлари. Кичкинтойларга мўлжаллаб тикилган футболка, комбинзон, майка ва бошқа турдаги кийим-кечаклар чақалоқлардан тортиб 15 ёшгача бўлган ўсмирлар учун мослаб тикилган.

Айтиб ўтиш жоизки, «Denim park» фирмаси ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни эндигина йўлга қўймоқчи. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун трикотаж матолари шаҳримиздаги «Алким Текстил» хорижий ишлаб чиқариш компанияси томонидан етказиб берилмоқда. Турк мутахассислари томонидан хориж технологияси асосида бу ерда маҳаллий пахта ва бошқа табиий хом ашёлардан трикотаж матолар ишлаб чиқарилаётир. Шунингдек, «Алким Текстил» корхонасида ҳам болалар учун кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Мана беш йилдирки, ушбу компания фабрикаларида ишлаб чиқилган маҳсулотлар Ғарбий Европа ҳамда Россия давлатларида ўз харидорларини топиб улгурган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, «Алким Текстил» ишлаб чиқариш компаниясининг Oko Tex Standart 100 халқаро сифат сертификати билан тақдирланганлиги унинг маҳсулотлари жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бераётганлигидан дарак беради.

Ушбу компания қўлга киритган фахрий ёрлиқ ва дипломлар қаторидан шаҳримизда ташкил этилган «Болалар ҳудуди» номли кўргазманинг «Миннатдорчилик сертификати» ҳам жой олган.

«Denim park» фирмасининг доимий мижозларидан бири бўлган «Эртекс» дўкони мудири Шерзод Холматов шундай деди:

— Болалар учун ишлаб чиқилган трикотаж кийимларида уларнинг севимли мултфилм қаҳрамонларининг расмлари туширилгани ҳам барчанинг диққатини ўзига тортмоқда. Энг муҳими, маҳсулотлар ўзимизда етиштирилган табиий пахта толасидан ишлаб чиқилган.

Ёрқин, ранг-баранг расмлар акс эттирилган замонавий, бирбиридан чиройли кийим-кечаклар фақат Нигорани эмас, балки кўплаб тенгдошларини хурсанд қилишига ишонамиз.

**Григорий КЛЯЦКИЙ**

# Ҳунарманд мўъжизаси

Касби кулолларининг довруғи азалдан мағрибу машриққа таралган. Қўлигул ҳунармандлар ясаган сопол буюмлар Европа мамлакатлари, ҳатто Америка қитъасигача етиб борган. Аждодлар касбини улуғлаб келаётган моҳир кулол Ўктам Аминов қўлида сайқал топаётган ҳунармандчилик намуналари кўзингизни қувнатади.

Ўктам ака қадимий анъаналаримиз бардавомлигини таъминлаш учун бир зум ҳам тинч ўтирмайди. Мана, бир неча йилдирки, бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан ташкил этилган «Устоз-шогирд» устахонасида фаолият кўрсатмоқда.

— Ўктам Аминов қўлида сайқал топаётган кулолчилик буюмлари нафақат мамлакатимиз, Марказий Осиё бозорларида ҳам харидоргир, — дейди бандликка кўмаклашувчи марказ директори Искандар Отауллаев. — Ҳозирги пайтда унинг шогирдлари сони эллик нафардан ошди.

Кўҳна касб сирларини ўрганишга ихлосмандлар учун ташкил қилинган уч ойлик ўқув курсларида машғулотлар амалий ишлар билан боғлаб олиб борилаяпти. Марказ томонидан касб ўрганувчилар учун махсус стипендия таъсис этилган.

Анвар, Бешбой ва Баҳодир Аминовлар, Суҳроб Зақиев, Зафар Асроров сингари иқтидорли йигитлар назарий машғулотларни чуқур ўзлаштириш билан бирга, устахонада офтоба, кўза, хум сингари уй-рўзғор ашёларини, нон ёпадиган кулоли тандирларни ясаб, ҳозирданоқ тилга тушиб қолишган.

Касби маҳалласида азалдан кулоллар яшайди. Бозор Итолмасов, Ўктам Аминов, Бахтиёр Сатторов ясаган ашёлар харидорлар орасида машҳур.

— Ҳудудда яшовчи 5700 нафарга яқин аҳолининг асосий қисми фойдали иш билан машғул, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эсонбой Равшанов. — Улар чорва моллари боқиш билан ҳам шуғулланишади.

Ҳунар ўрганган хор бўлмайди. Зардўзликка қизиқувчиларга мўлжаллаб Пандирон қишлоғидаги «Муҳаммадиев Ҳусанбек» фермер хўжалиги ҳузурида уч ойлик ўқув курси ишлаб турибди. Каштачи Меҳригул Йўлдошева қишлоқ қизларига зардўзлик сирларидан сабоқ бермоқда.

Фотима ва Зуҳра Очилова, Матлуба ва Маъсуда Раҳимова, Зуҳра Бекмуродовалар тикаётган зардўппилар, каштали буюмларни кўриб, уларнинг бинойидек ҳунарманд бўлиб қолишганини пайқаш қийин эмас.

Ушбу қишлоқдан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Насиба Шарипованинг етишиб чиқишига «Устоз ва шогирд» йўналишидаги ўқувлар сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Муҳандис Маҳмуд Шарипов, олий тоифали муаллима Набира Хўжаёроваларнинг кенжа қизи олти ёшлигидан тасвирий санъат, каштачилик, миллий ҳунармандчилик ва зардўзлик соҳаларига иштиёқманд.

Айниқса, унинг лойдан тайёрлаган ҳайкалчалари Китобда ўтказилган «Асрлар садоси» анъанавий фестивали иштирокчиларининг эътиборини тортган эди. Ёш ҳунарманд ўзбек халқ эртагидаги «Зумрад ва Қиммат», «Пандирон олмалари», «Туғилган кун», «Она кенгуру», «Олтин олма», «Денгиз тошбақалари» ҳайкалчаларини ясаб, қишлоғидаги мактабгача тарбия муассасасига совға қилди.

— Ўн олти ёшли Насиба Шариповадек истеъдод эгаларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Б.Очилова. — 26-мактабнинг 9-синфини битирган бу қишлоқ қизининг ҳайкалтарошлик соҳасидаги маҳоратини ошириши учун ҳамма шароитлар яратилган.

«Ғалаба» хўжалигида Бобомурод Агаев темирчилик, Қамаши қишлоғида Шариф Абдуллаев сандиқсозлик касбларини ёшларга қунт билан ўргатмоқдалар. Туманда ишлаб чиқилган «Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш» дастурига асосан ўтган йили 4200 та янги иш ўрни вужудга келтирилди.

Ҳунар билган йўлда қолмас, дейдилар. 20 нафар ишсиз фуқарога гуруҳ усулида тикувчилик ҳунари ўргатилган бўлса, 15 нафари кулолчилик, 20 нафари зардўзлик бўйича касбга тайёрланди.

Янги корхоналарни ишга тушириш, кичик бизнес объектлари ва микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хусусан, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш ҳисобига иш билан банд бўлган кишилар сафи кенгайиб бораяпти. Биргина «Касбипахтатозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятида 28 нафар касаначи ишга жалб этилиб, уларга завод томонидан тикув машиналари олиб берилди. Бошқа саноат корхоналари ҳисобидан 113 киши иш билан таъминланди.

— Президентимизнинг 2009 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 400 нафар кам таъминланган оилаларга ҳомийлар томонидан қорамол берилди. Кам даромадли ва кўп болали оилалардан 19 тасига чорва моллари харид қилиш учун 23,1 миллион сўм кредит ажратилиб, хонадонида мол боқаётган 562 нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди. Масалан, туман марказида яшовчи Аслан бобо Равшанов қорамол боқиб, ҳар йили 5-6 миллион сўм даромад олаяпти.

Яна бир ибратли жиҳати, туман марказида эмас, балки Қамаши қишлоғида меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 200 га яқин кишининг иш билан таъминланишига эришилди. Тумандаги касб-ҳунар коллежларини битирган 1385 нафар ўғил-қизнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

**И. ИСОМИДДИНОВ**

# Ижобий натижа

## фаолиятнинг яхши йўлга қўйилганидан далолат беради

**«Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг Сирдарё вилоят филиали бошлиғи Анвар ҚУДРАТОВ билан суҳбат**



**— Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозига қарши кўрилган чора-тадбирлар натижасида банклар фаолиятига жиддий эътибор қаратилди ва бу ўзининг ижобий натижаларини берди. Бунда, албатта, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг муносиб ҳиссаси бор. Суҳбатимиз аввалида, банкнинг ташкил этилиши ва асосий мақсади ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги қарорига асосан ташкил этилган. Банкнинг асосий мақсади кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлашни кенгайтиришдир. Шунга кўра, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, ушбу молиявий муассасанинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиш борасидаги фаолияти кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини молиялаштиришга ихтисослашган банк, мана тўрт йилдирки, молия бозорида фаолият кўрсатиб, ўз ўрни ва мижозларини топди, замонавий, универсал микросармоялаш ташкилотига айланди.

Юқоридаги фармон ва Бош вазирнинг 2010 йил 11 январдаги Дастурига асосан 2010 йилда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш дастурига асосан «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Сирдарё вилоят филиали томонидан микросармояларнинг вилоятнинг ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларига кириб боришини таъминлаш борасида туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда манзилли дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**— Маълумки, банк фаолияти асосан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан «Микрокредит» АТБ вилоят филиали томонидан қандай ишлар амалга оширилди?**

— «Микрокредитбанк» ОАТБ Сирдарё вилоят филиали жорий йилнинг 1 чораги учун 956 млн. сўм микросармоялар ажратиши кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич 1 млрд. 194 млн. сўмга бажарилди. Натижада, эвазига 821 та янги иш ўринлари яратилди. Шу йилнинг 2 чораги учун 1 млрд. 434 млн. микросармоя ажратилиши белгиланган бўлиб, апрел-май ойлари давомида 761 млн. сўм микросармоя ажратилди. Ушбу маблағ эвазига 507 та янги иш ўринлари яратилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар бир тумандаги 126 тадбиркорлик субъектига 1 млрд. 401 млн. сўм микросармоялар ажратилиши кўзда тутилган эди. Бу борада ҳам қатор ишлар амалга оширилди.



Умуман фаолиятимизга назар ташласангиз, аввало, ажратилаётган сармоялар, имкон борича, аҳоли учун зарур бўлган маҳсулотлар, товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, барқарор хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш учун сарфланаётганининг гувоҳи бўласиз. Бу, аслида, чинакам тадбиркорларни топиш мақсадида банк томонидан катта ташкилотчилик ва тарғибот ишлари олиб борилганининг самарасидир.

Баркамол авлод йили муносабати билан касб-ҳунар коллежларини битираётган битирувчиларга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай шароит яратиш ҳамда иш билан бандлигини таъминлаш борасида семинарлар ўтказилиб, манзилли дастурлар ишлаб чиқилмоқда ҳамда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳи томонидан юқори даражада йўлга қўйилган.

**— Ўтган даврда вилоят миқёсида ажратилган микросармояларнинг мақсадли сарфланиши, олайлик, бирор ишлаб чиқаришга йўналтирилгани ва унинг ижобий натижалари ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз?**

— Банк филиали томонидан ажратилган кредитлар эвазига кўпгина янги иш ўринлари яратилиши билан бирга, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Масалан, «Мовий осмон сиймоси» хусусий фирмасига айланма маблағларни тўлдириш мақсадида 18 млн. сўм микрокредит ажратилгандан сўнг 5 та янги иш ўрни яратилиб, хўжалик совуни ишлаб чиқарилмоқда. «Ўктам ҳамкор савдо» хусусий корхонасига эса қурилиш материаллари яъни шлакаблок ҳамда эшик ромлар ишлаб чиқариш мақсадида 18 млн. сўм микрокредит маблағи ажратилгач, 6 та иш ўрни яратилиб, қурилиш моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Сирдарё туманида фаолият юритаётган «Ҳасанбой» фермер хўжалиги иссиқхона ташкил қилиш мақсадида 60 млн. сўм кредит олди. Натижада, 14 нафар иш ўрни яратди. Ҳозир хўжалик томонидан лимон кўчатлари етиштирилмоқда. Шу билан бирга, помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштирилиб, туман бозорларига етказиб берилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиёт тармоқларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабнинг оширилиши қишлоқлардаги кўплаб иқтисодий муаммоларни ҳал этиши шубҳасиз. Шу боис кейинчалик ҳам юқоридаги фаолиятимизни янада кучайтиришга, микросармояларнинг самарали сарфланишига эришишга ҳаракат қиламиз.

**Суҳбатдош:**
**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Баркамол авлод — миллат таянчи

***Тошкент банк коллежидаги дарс машғулотларида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, мултимедиа воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Бундай ўзига хос таълим бериш усули ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқини янада оширишга хизмат қилаяпти.***

Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Шу мақсадда қатор спорт мусобақалари юқори савияда ташкил этилаяпти. «Ичкилик ичиш ва тамаки чекиш — иллат», «Биз ёшлар гиёҳвандлик ва ОИТСга қаршимиз», «Фахрийлар меҳри — баркамол авлодга» сингари долзарб мавзуларда тадбирлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинаяпти.

Ўқув жараёни ва педагогик технологияларни такомиллаштириш бўйича янги лойиҳаларни тайёрлаган энг яхши педагогларга танлов асосида грантлар берилиши ўқитувчилар орасида изланувчанлик ҳамда ташаббускорликни оширмоқда.

**Барно ХОЛЙИГИТОВА,**
**Тошкент Банк коллежи тиллар кафедраси катта ўқитувчиси**

## Сўраган эдингиз

***Савол: Ўриндошлик асосида ишлайдиганларга меҳнат таътили бериладими?***

***Р.Эргашев, Сариосиё тумани***

Жавоб: Ҳа, Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

***Савол: Байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинадими?***

***Н. Ҳожиев, Қоракўл тумани***

Жавоб: Йўқ. Меҳнат кодексининг 139-моддасига кўра таътилларнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади.

Таътил даврига тўғри келиб қолган ва меҳнат кодексининг 131-моддасига мувофиқ ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

***Савол: Кимларга ижодий таътиллар берилади?***

***Д. Каримова, Наманган шаҳри***

Жавоб: Меҳнат кодексининг 258-моддасига кўра ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга номзодлик ёки докторлик диссертацияларини якунлаш, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллар берилади.

Ижодий таътилларни бериш тартиби ва уларнинг муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган ТАРТИБга биноан қуйидагича белгиланган:

— ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга муваффақиятли олиб борувчи шахслар учун илм толибларига номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олиш диссертацияларини, шунингдек, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар қўлёзмаларини тугаллашлари учун муаллифларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида асосий иш жойларидаги ўртача ойлик иш ҳақлари ва лавозимлари сақланган ҳолда:

— номзодлик диссертациясини ва дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни тугаллашлари учун муаллифларга 3 ойгача;

— докторлик диссертациясини тугаллаш учун 6 ойгача бўлган муддатга ижодий таътиллар берилади.

Ижодий таътилларга ҳақ тўлаш белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, шунингдек, илмий кадрлар тайёрлаш учун назарда тутиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

# Мажбурий меҳнат нима?



Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

МЖТКнинг 51-моддасига кўра қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлов, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳолат ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида:

Бу нима дегани? «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун 10-моддасининг бешинчи қисмига кўра ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳарбий хизматда қолдирилган ҳамда ҳарбий хизматчилар учун белгиланган кафолат ва имтиёзлари сақланган ҳолда давлат-ҳуқуқ ҳамда мудофаа йўналишидаги ишларни бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 35-моддасининг иккинчи қисмига кўра захирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар, зарурат бўлган тақдирда сафарбарлик бўйича ва Қуролли Кучларни кучайтириш чора-тадбирларига фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда аҳолини муҳофаза қилишга жалб этилади.

Ушбу Қонуннинг 40-моддаси биринчи, учинчи, бешинчи қисмларига мувофиқ муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади. Муқобил хизмат муддати меҳнат стажига қўшилади.

Муқобил хизматни ўтаётганда меҳнат қобилиятини йўқотган фуқаролар ва ҳалок бўлган фуқароларнинг оилалари, шунингдек, уларнинг қарамоғида бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун белгиланган нафақалар ва пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро уни белгиланган жойда ўташи, қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларга, иш жойида амал қиладиган ички меҳнат тартиби қоидаларига, шунингдек, меҳнат шартномаси (контракти) шартларига риоя этиши шарт.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар фалокатлар, ҳалокатлар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф қилиш ишларига жалб этилган тақдирда юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган ҳамда ана шу оқибатларни бартараф этиш комиссиялари ёки штабларининг жойлардаги раҳбарлари томонидан белгиланадиган махсус вазифаларни бажарадилар.

фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда:

Бу нима дегани? «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун 16-моддасининг олтинчи хатбошисига кўра, фуқаролар зарурат бўлганда авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ўтказишда ёрдамлашишлари шарт.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, яъни ЖИКнинг 26, 42, 88, 93-моддаларига кўра ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда, ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттираверадилар.

Жазони бошқа жойларда ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар қамоқ уйининг хўжалик хизматига оид ишларга ҳафтасига тўрт соатгача бўлган муддатга ҳақ тўламаган ҳолда жалб этилиши мумкин.

Маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисосини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, шу муассасаларнинг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Олтмиш ёшдан ошган эркаклар, эллик беш ёшдан ошган аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этиладилар.

Маҳкума аёллар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ишдан озод қилинадилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Маҳкумлардан фойдаланиш тақиқланган ишлар ва лавозимлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Маҳкумлар топширилган ишни ҳалол, виждонан бажаришга, меҳнат ва технология интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этишлари шарт. Уларнинг меҳнатга оид ва бошқа низоларни ҳал этиш мақсадида ишни тўхтатиб қўйиши тақиқланади.

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларини ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларигагина меҳнат ҳақи тўламай жалб этилиши мумкин.

Маҳкумлар меҳнат ҳақи тўланмайдиган ишга, одатда, навбатма-навбат, ишдан ташқари вақтда, ҳафтасига кўпи билан икки соатга жалб этилади.

Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

МЖТК 346-моддасининг тўртинчи-олтинчи қисмларига кўра, Маъмурий қамоққа олинган шахслар жисмоний ишларда фойдаланилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларга қамоқда бўлган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи тўланмайди.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Шартнома ва тўлов интизоми

Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан шартнома ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доимий назоратга олинган. Хусусан, «2531-автожамланма»да бу борада текшириш ўтказилганда аниқланишича, корхона мансабдорлари ваколатини суиистеъмол қилиб, 2007-2009 йиллари жамоа мулкини ижарага беришда шартномаларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказмаган. Натижада, 34 млн. 824 минг сўм кам ижара ҳақи ҳисобланиб, 6 млн. 964 минг 800 сўм қўшимча қиймат солиғи бюджетга тўланмай қолган.

Шунингдек, автожамланма мансабдорлари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунни ҳам муттасил бузиб келган. Улар 2010 йил 1 январгача 78 млн. 365 минг 800 сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзини ундириш чорасини кўрмаганлиги натижасида ишчиларнинг 34 млн. 34 минг 800 сўмлик иш ҳақи тўланмай қолган. Мазкур ҳолат юзасидан 2010 йилнинг 10 мартида жиноят иши қўзғатилди.

«2514-автожамланма»да ҳам шундай ҳолат қайд этилиб, тегишли чоралар кўрилди. Умуман, жорий йилнинг 1-чорагида шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 4 та тақдимнома киритилиб, 7 киши интизомий, 2 нафар шахс маъмурий ва 67 киши моддий жавобгарликка тортилди. 10 млн. сўмликдан зиёд зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашди, судга 117 млн. сўмлик 235 та даъво аризаси киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 6 та жиноят иши қўзғатилди.

**Алишер ЗОКИРОВ,**
**Самарқанд шаҳар прокурори**

# Мактуб нафосати

*Дунёдаги ҳеч бир алоқа воситаси кишининг туйғуларини битик-номачалик баён эта олмайди. Ўйлаган фикрларимиз, истак ва эътирозларимизни баъзан юзма-юз турган ҳолатда айтишга қийналамиз. Бундай вақтларда мактуб жуда қўл келади.*

*Мактуб жуда қадимдан кишилар ўртасида алоқа алмашинувининг воситаси бўлиб келган. Кўҳна алоқанинг бугунги кунда ҳам мавжудлиги — ижобий ҳодиса. Бироқ унинг ифода усули ўзгариб кетганлиги кишини ўйлантириб қўяди. Телефон, компютер орқали жўнатилаётган номаларда ҳис-туйғу, меҳр-эътибор етишмаётгандай. Улардаги хатоликлар, жимжимадор, ибо-ҳаё пардаларидан ҳоли бўлган қўпол сўзларнинг ишлатилиши, гўзал анъаналарнинг бузилганлиги, кишининг кўнглини хира қилади. Севимли қаҳрамонларимиз: Отабек ва Кумушбибиларнинг ёзишган номалари бугун интернет воситасида амалга оширилмоқда. Замон техникасидан қувониш кеpакмиқин, ёхуд инсон диди, онги «бошқача» бўлиб қолганидан қайғуриш?!*

*Қадимда номаларга жиддий қаралган. Ёзишдан аввал тайёргарлик кўрилган. Мактубга бадиий асардек ёндашилган. Унда чиройли, таъсирчан сўз ва ибораларнинг қатнашишига ҳамда зарурий фикрнинг айтилишига эътибор берилган. Чунки ҳар бир қатнашган сўз алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Биз бугун хат ёзаётганда бунга амал қилаётирмизми?*

*...Ўтмишда яратилган гўзал номалар ҳали-ҳануз кишиларга эстетик завқ бағишлайди. Булар сирасига Фарҳод ва Шириннинг мактублари, ҳазрат Навоийнинг устозлари билан ёзишмаларини киритишимиз мумкин. Уларда мактуб нафосати мужассам.*

*Газетхонларимиз бунга қандай қарашар экан?*

**Озода САРАФРОЗ**

***Синглим Озодахон!***

Аввало куйинчаклик билан ёзган хатингиз учун катта раҳмат!

Сиз келтирган адабиётимиздаги гўзал мактуб намуналари қаторига мен Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган хатини ҳам киритган бўлар эдим. Унда нафақат отанинг фарзандига, балки салтанат эгасининг тахт ворисига ички муҳаббати, қимматли маслаҳатлари шу даражада кучли ҳарорат билан ифода этилганки, биринчи ўқишда уни «Тузуки Бобурий»га менгзаш мумкин. Ҳақиқатдан бу мактуб бобурийлар сулоласи учун йўриқнома вазифасини ҳам ўтаган. Буюк шоир ва саркарда Бобур тузган салтанатнинг Ҳиндистонда уч юз йилдан кўпроқ ҳукм сурганлигида ва Жавоҳарлаъл Неру эътироф этганидек, мамлакат тарихий тараққиётида муҳим босқич ролини ўтаганлигида, шубҳасиз, мана шу мактубдаги бобоўгитларнинг ҳам аҳамияти катта бўлган.

Маданий ҳаётимизда ўзига хос из қолдирган бундай мактубларга мисолни яқин ўтмишимиздан ҳам келтириш мумкин. Масалан, ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ёш ижодкорлар Шукур Холмирзаев, Ўткир Хошимов, Учқун Назаров ва Анвар Эшоновга ёзган мактублари уларнинг ҳаёти ва ижодидагина эмас, балки адабиётимизнинг кейинги тараққиётида ҳам муҳим воқеа ҳисобланади.

Ўтга аср 70-йилларнинг бошида собиқ иттифоқнинг Тинч океани флотидаги ҳарбий кемалардан бирида хизмат қилиб юрган йигитга олис Фарғонадаги синглисидан қалингина хат боради. Очса «Гулистон» журнали ва синглисининг икки энлик хати. Журналда матрос йигитнинг ёзувчи Асқад Мухторнинг «Оқ йўл»и билан чоп этилган «Гулсафсар ҳиди» ҳикояси бор эди. Фарғоналик дилбар ёзувчи Алишер Ибодинов адабиётимизга ана шундай ўзига хос овоз билан кириб келган эди. Фаришта сингил ёзган хатнинг Алишербек ҳаёти ва ижодига шундан кейинги таъсирини тавсифлашга ҳожат йўқ бўлса керак.

Энди кундалик ҳаётга қайтсак... Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бобомизга жиян бўлгувчи, биз болалар «Ойша амма» деб чақирувчи қариндошимизнинг аҳён-аҳёнда сандиғидан бир тугунчани олиб, юзига босиб, йиғлаб ўтирганини кўриб қолар эдик. Ойша аммамиз бир гал сочпопугига осиб юрадиган калити билан «сирли сандиғи»ни очиб, дўппимизни жийда, ёнғоқ, майизу парвардага тўлдириб, кейин ўша тугунчани титкилаб қолди. Унда бир даста учбурчак хатлар бор эди. Аммамнинг айтишича, бу хатларни «урушда йўқ бўлиб кетган» поччамиз юборган экан. Ўқувчилик пайтимизда бир чети куйган, тер ва қон ҳиди келиб турадиган бундай хатларни музейларда, киноларда кўп кўрганмиз. Уруш даври аскарларининг мактублари умид, армон ва ғуссалар билан йўғрилган бўлади. Уларнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Яна бир бўлган воқеа. «Сиз отамни танийсиз» китобимга киритган бу «ҳангома»ни менга ишхонамиздаги бир ҳамкасбим гапириб берган эди:

«Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари. Миллий армиямиз энди шаклланаётган пайтлар. Ҳарбий қисмлар ҳам шошилинч равишда мослаштирилган биноларда жойлашган. Зобитлар таркиби асосан собиқ совет армияси таълимини олган. Миллий армияга муносиб иш услублари, ҳатто ўзбекча буйруқ бериш, қўшиқ айтиш каби ҳарбий мақомлар тетапоя қадамлар билан зобит ва аскарлар ҳаётига кириб келаётган шароитда «старик, молодой» каби инсонни табақалаштирувчи сарқитлар бот-бот бўй кўрсатиб қолар эди. Бунинг устига қум барханлари орасида қад кўтарган шаҳарнинг жазирама ҳавоси пойтахтнинг сўлим гўшаларида ота-онасининг эрка ўғли бўлиб улғайган аскар йигитни анча шошириб қўяди. Яширишнинг кераги йўқ. Камолиддин билан бирга хизматга борган бўлажак аскарларнинг (қасамёд қабул қилмаган хизматга чақирилувчилар) айримлари жуфтакни ростлаб қолаётган эди.

Шу куни тушликдан кейин Камолиддин икки-уч тенгқурлари билан казарма полини ювди. Отасининг ёнида деҳқончиликда юриб, унча-мунча меҳнатни писанд қилмайдиган йигитга пол ювиш оғир ботди. Озгина жойи оқариб қолгани учун командир ва «старик»ларнинг бутун казарма полини қайтадан ювишга мажбурлашлари дард устига чипқон бўлди. У «бугун тунда албатта жуфтакни ростлайман» деган қатъий қарорга келди. Ўзича ул-бул нарсаларини йиғиштириб ҳам қўйди. Кечки овқатдан кейинги маънавият соатлари пайтида ҳар доимгидек почтачи казармага кириб келди. Ҳамманинг кўзи унда. Почтачи аскар атрофига виқор билан кўз ташлаб, катта сумкасидан биттагина хат олди-да, тантанали равишда эълон қилди: Саидхўжаев!

Шу куни рота бўйича битта Камолиддинга хат келган эди. Ўртоқларининг ҳазил-ҳузулидан кейин у бир четга чиқиб, хатга кўз югуртирди. Онасидан экан. Конвертни очиб, мактубнинг ўртасига келганда унинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Шошилиб маънавият хонасининг эшигига бир қараб олди. Гўё онаси хат орқали эмас, балки эшик олдида туриб, аллақандай оғриқли бир ташвиш билан унга насиҳат қилар эди: «Болам, отанг дўст-душман орасида гапини бермай юрган чапани одам. Менинг ҳам маҳаллада, қариндошларим ўртасида қандай обрўйим борлигини яхши биласан. Биз сени ўғлимиз йигит бўлди, деб суюниб армияга жўнатганмиз. Яна бирон нојўя иш қилиб юзимизни ерга қаратиб қўймагин. Йигитлик бурчингни ҳалол ўтаб, соғ-саломат, бошингни баланд кўтариб дарвозадан кириб келсанг, мана шунинг ўзи биз учун катта мукофот...»

Камолиддин кўзига қуйилиб келаётган ёшни яшириш учун ташқарига отилди. Кечки салқинда бироз ўзига келгандай бўлди. Сал ҳовуридан тушгач, саҳро осмонига қаради. Юлдузлар қалинлашган ва ҳар кунгидан равшанроқ нур сочар, улар ўртасида чарақлаб турган тўлин ой гўё онаси бўлиб, «Хўш, нима қарорга келдинг, ўғлим?» деб сўраётгандай эди. «Лавлагиси чиқиб кетганини» Камолиддиннинг ўзи ҳам сезди...

Ҳозир бизнинг Камолиддинимиз аллақачон ўттизни уриб қўйган болачақали йигит. Лекин онасининг уни муқаррар шармисорликдан қутқариб қолган ўша хатини ҳеч эсидан чиқармайди. Ва ҳар гал бу ҳақда эслаганида, она юрагининг илоҳий даражада сезгирлигига иймон келтиради».

Қатидан райҳон ҳиди келиб турган, оналар, сингиллар, қўшни қиз ёки синфдош қизнинг ўз дастхати билан битилган мактублар, менимча, ҳозир ҳам аскар йигитларимиз учун ардоқли бўлса керак. Бинобарин, сизнинг ушбу шеърингиздаги туйғуни ҳам фақат мактубгина эгасига бор бўйи билан етказа олади, деб ўйлайман:

***Ёшлик дафтаримнинг***
***шоҳ саҳифаси,***
***Кулгулар улашган,***
***азиз синфдош!***
***Сен-ла ўтган умрим***
***ҳар дақиқаси***
***Биз каби қувлашиб***
***қизир, синфдош!***

***Қишда қор эслатар,***
***ёзда-чи – офтоб,***
***Шамол соч тортқилар,***
***наҳотки, бу сен!?***
***Ҳануз чорлайдурсан***
***ёнингга мени,***
***Журъатим етмайди —***
***тараддудда мен.***

***Қўлингни кафтимга***
***олгум, синфдош,***
***Мен унда қадрдон***
***тафтни сезаман.***
***Кўзимдан тошмагин,***
***сирим қилма фош,***
***Озгина сабр қил —***
***барин ёзаман.***

Шеърнинг сайқалланадиган жойлари бор. Лекин ундаги самимият барчасини ёпиб кетади ва ўқувчи кўз ўнгида лобар, танти ёш шоиранинг истиқболга катта ишонч билан қадам ташлаётган дилбар қиёфаси намоён бўлади. Илло, сизни, газетхонларимизни бу туйғу асло тарк этмасин!

**А. АБДУХОЛИҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

## Онажон

Сиз менинг энг гўзал баҳорим,
Кўксида гул каби яшнатган.
Сиз менинг энг сўлим наҳорим,
Тонглари булбулдек сайратган.

Онажон, бағри кенг заминсиз,
Беминнат едириб, ичирган.
Онажон, фариштам, файзимсиз
Хатолар қилсам ҳам кечирган.

Сиз менинг мусаффо осмоним,
Тун-у кун бошимда парвона.
Сиз менинг заҳматкаш боғбоним,
Тўрт фасл мен учун оввора.

Онажон, эскирмас баётсиз,
Фарзандлар қалбидан жой олган.
Онажон, сиз сабр, саботсиз,
Дунёда болам деб яшолган.

## Нақадар фусункор бу дунё

Гоҳида ёқмайди ҳеч нарса,
Дунёларга сиғмай кетасан.
Ўз-ўзингдан қочгинг келар гоҳ,
Йиғлоқи сатрлар битасан.

Гоҳида ўй суриб толасан,
Бир илинж мўралар дарчадан.
Хазин бир куй, мажруҳ ноласан,
Қочасан барчадан-барчадан.

Ва ногоҳ англайсан бир сирни,
Ўзингдан қайга ҳам қочарсан!?
Соғиниб сабрни, меҳрни
Қалб дарчасини очарсан.

Нақадар фусункор бу дунё!
Нақадар сеҳрли одамлар!
Сўзимга қувват бер, эй Оллоҳ,
Биламан, ғанимат бу дамлар.

Аслида бепоён бу олам,
Интилиб довонлар ошайлик.
Дунёга келармиз бир бора,
Эл учун, юрт учун яшайлик.

## Ёмғир

Руҳимга яқинсан, кўзимга олис,
Ёмғирда ивидим, сени пойладим.
Томчилар гувоҳлик беришсин холис,
Руҳим йиғласа-да, сени оқладим.

Дайди шамол изғиб, шодлик ўғирлар,
Ўйларим қабоқда тугунин уйди.
Чувалган хотира асли ёмғирлар,
Қалбга дилгирликнинг
томчисин қуйди.

**Озода САРАФРОЗ**

# Ойнаи жаҳонда кўринг

Ishonch 2010-yil 3-iyun
№ 66 (2791)

## O`zbekiston

### Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 11.55, 15.00, 18.00, 22.35 «Иқлим».
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 - 9.45 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.45 «Бизнинг кутубхона».
10.05 «Олтин оху». М/ф.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Саломат бўлинг!»
11.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Геологик қўриқхона».
12.55 «Изҳор».
13.00 Миллий кино: «Ёдгор».
14.20 «Ватанпарвар».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
16.05 «Радиога ташриф».
16.20 «Бировнинг ҳақи».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Олтин мерос».
18.15 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
18.50 «Ватан манзиллари».
19.15 «Ифтихор».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30, 1.00 «Ахборот». /рус/.
20.10 Сериал: «Умр манзаралари».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
21.55 «Қирол ва мен». Т/с.
22.40 «Жаноб». Б/ф.
00.05 - 00.15 «Очун».
00.15 Кўрсатувлар дастури.
00.20 «Ватанпарвар».
1.35 - 2.00 «Ватан манзиллари».

### Сешанба

**«O'zbekiston» телеканалида»**
**5.55 гача Профилактика**

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 15.05, 18.00, 22.40 «Иқлим».
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.30 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.30 «Болалар дунёси».
10.00 Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси намойиш этади:
«Бу муқаддас замин - менинг Ватаним».
10.20, 22.00 «Қирол ва мен». Т/с.
11.15, 18.15 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
11.45 «Ифтихор».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.55 «Изҳор».
13.00, 20.10 Сериал: «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.10 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Мен ёшликман».
16.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Тарих кўзгуси».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Олтин мерос».
18.50 «Кун мавзуси».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30, 1.00 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Қишлоқ ҳаёти».
22.45 «Яшил чумолилар макони». Б/ф.
00.20 - 00.30 «Очун».

### Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.55, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.30 «Маънавият» дастури.
9.30 «Бахт ўзи нима?» М/ф.
9.40 «Чорраҳа».
9.55 «Ягона оилада».
10.15, 21.55 «Қирол ва мен». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.15, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.20 «Кун мавзуси».
11.30, 18.05 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
13.00, 20.10 Сериал: «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 «Эркин иқтисодиёт».
14.40 «Алдов қурбонлари».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
16.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.35 «Саёҳатга марҳабо!»
18.55 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Камолот остонаси».
19.15 «Ифтихор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
22.40 «Олтин аср». Б/ф.
00.25 - 00.35 «Очун».

### Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.55, 15.00, 18.00, 23.00 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
10.00 «Айёр қарға». М/ф.
10.10, 22.20 «Қирол ва мен». Т/с.
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 19.05 «ТВ - шифокор».
11.15, 18.15 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
11.45 «Ифтихор».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
13.00, 20.10 Сериал: «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
15.55 «Тезкор хабарлар».
16.05 «Маҳалла».
16.25 «Мен ёшликман».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Юрт меҳри».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Олтин мерос».
18.45 «Кун мавзуси».
19.10 «Бизнес ва мен».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Эътироф».
23.05 «Йўловчилар». Б/ф.
00.30 - 00.40 «Очун».

### Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.55, 15.05, 18.10, 22.40 «Иқлим».
7.05 ТВ - анонс.
7.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.00, 22.00 «Қирол ва мен». Т/с.
10.40 «Кун мавзуси».
10.55, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15, 18.15 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
11.45 «Бизнес ва мен».
13.00, 20.10 Сериал: «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
14.20 «Хонадон».
14.45 «Саёҳатга марҳабо!»
15.10 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
16.00 «Қишлоқ ҳаёти».
16.20 Д. Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.15 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.50 «Минг бир ривоят».
18.55 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.15 «Ифтихор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус /.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Одамлардан бири».
22.45 «Сўнгги поезд». Б/ф.
00.10 - 00.20 «Очун».

### Шанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 20.40 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Сени севдим». 1-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00, 14.00, 21.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
9.00 «Ёнғоқ новдаси». М/ф.
9.20 «Қирол ва мен». Т/с.
10.00 «Зиё» студияси: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 1.»Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Ёмғир симфонияси». Т/с.
11.50 «Шарқ тароналари».
13.05 «Ифтихор».
13.10 Сериал: «Умр манзаралари».
13.45 «Очун».
14.15 «Одил суд».
15.05 «Омадсизлар». Б/ф.
16.30 «Азизим».
17.00 «Кунларнинг бирида»
«Болалар сайёраси»:
17.10 «Ўйла, Изла, Топ!»
17.50 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
18.15 «Қорақалпоқ оҳанглари».
18.25 «Аския».
18.30 «Саломатлик сирлари».
18.50 «Бахшиёна».
18.55 «Анъана».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Сериал: «Денгиздан томчи».
20.45 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.40 «Тайр сулоласи ҳақида қисса». Б/ф.
23.25 - 23.35 «Очун».

### Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 9.45, 16.25 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Сени севдим». 2-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Эх, айиқвой». М/ф.
8.50 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Санъат ғунчалари».
9.15 «Табассум».
9.50 «Очиқ дастурхон».
10.20 «Саломатлик сирлари».
10.40 «Ҳунар».
11.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гуллар жозибаси».
13.00 «Бахшиёна».
13.05 «Оҳанрабо».
13.50 «КиноТеатр».
14.15 Ҳинд киноси: «Муҳаббат ҳамиша ғолиб».
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Болалар дунёси».
17.00 «Сузишни ҳохлайман». М/ф.
17.15 Миллий кино: «Севги фазоси».
18.50 «Аския».
18.55 «Ватан мадҳи». С. Раҳматов.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома». /рус/.
20.10 Сериал: «Денгиздан томчи».
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 «Заковат».
22.45 «Сеҳрли тош». Б/ф.
00.10 - 00.20 «Очун».

## TOSHKENT

### Душанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Мумтоз наволар.
8.25, 17.05 «Карвонсарой».
8.35, 15.10 «Эсмеральда». Т/с
9.05 «Афиша».
9.20 «Бувам, Клиан ва мен». Б/ф.
10.40 «Болаликка қайтиб».
11.00 «Саргузаштлар ороли».
11.25 «Имтиҳон».
11.50 «Иф қалъасининг маҳбуси». Б/ф. 1-қисм.
13.55, 19.55, «Ўйларим».
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
15.40 «Мовий уммон қаърида». Х/ф.
16.30 «Бемби». М/ф. 1-қисм.
17.15 «Тошкентнинг илм масканлари».
17.25, 6.30 Сериал: «Чемпионлик орзуси».
18.25 «Ёз ифори». Т/с 16-қисм.
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Кадр ортида».
20.20 Бизнес»Пойтахт».
20.25, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с. 26-қисм.
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.10 «Будьте здоровы».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Фантомас». Х/ф.
23.55 Кўрсатувлар тартиби.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.25 «Открытая дверь».
00.55 Ночной сеанс: «Выкуп». Х/ф.
2.30 «Мовий уммон қаърида». Х/ф.
3.20 «Болаликка қайтиб».
3.40 «Кадр ортида».
3.55 Тунги киносеанс: «Иф қалъасининг маҳбуси». Б/ф. 1-қисм.
7.00-7.20 -»Пойтахт».

### Сешанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Мумтоз наволар.
8.25, 16.15 «Карвонсарой».
8.35, 15.10 «Эсмеральда». Т/с
9.05 «Саргузаштлар ороли».
9.25 «Анонс».
9.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 17.25, 6.30 Сериал: »Чемпионлик орзуси».
10.15 «Тошкетнинг илм масканлари».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дом собаки». Т/с 20-қисм.
11.05 «Будьте здоровы».
11.20 «Кадр ортида».
11.35 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
11.50 «Иф қалъасининг маҳбуси». Б/ф. 2-қисм.
13.55, 19.50 «Ўйларим».
14.00 «Дунё» теледастури.
15.40 «Бемби». М/ф. 2-қисм.
16.30 «Истеъдод».
16.50 «Ҳимоя».
17.00 «Менинг шаҳрим».
18.25 «Ёз ифори». Т/с 17 - қисм.
19.25 Тошкент тароналари.
19.35 «Менинг маҳаллам».
20.25, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с. 27-қисм.
21.15 Тошкент тароналари.
21.30, 00.00 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Репортаж». /рус/.
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Радио». Х/ф.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Все о туризме».
1.00 Ночной сеанс: «Хитрый вор». Х/ф.
2.40 «Менинг шаҳрим».
3.05 «Истеъдод».
3.35 «Менинг маҳаллам».
3.50 Тунги киносеанс: «Иф қалъасининг маҳбуси». Б/ф. 2-қисм.
7.00-7.20 -»Пойтахт».

### Чоршанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Мумтоз наволар.
8.25, 16.35 «Карвонсарой».
8.35, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.05 «Маърифат фидойилари».
9.20 «Ҳимоя».
9.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 17.25, 6.30 Сериал: «Чемпионлик орзуси».
10.15 «Қонун доирасида».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дом собаки». Т/с 21-қисм.
11.05 «Репортаж». /рус/.
11.15 «Камер оркестрининг концерти».
11.25 «Иф қалъасининг маҳбуси». Б/ф. 3-қисм.
13.55, 19.50 «Ўйларим».
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
15.45 «Таянч нуқтаси».
16.15 «Менинг маҳаллам».
16.45 «Саломат бўлинг!»
16.55 Нима учун гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».
17.10 «Ислоҳот одимлари».
18.25 «Ёз ифори». Т/с 18 - қисм.
19.25 Тошкент тароналари.
19.35 «Фан ва тараққиёт».
20.25, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с 28-қисм.
21.15 Эко-»Пойтахт».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Интервью». /рус/.
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Между небом и землей». Х/ф.
23.55 Кўрсатувлар тартиби.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.25 Эко-»Пойтахт».
00.35 «Репортаж». /рус/.
00.45 Ночной сеанс: «Новичок». Х/ф.
2.15 «Таянч нуқтаси».
2.45 «Ислоҳот одимлари».
3.00 Нима учун гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».
3.15 «Саломат бўлинг!»
3.25 Тунги киносеанс: «Иф қалъасининг маҳбуси». Б/ф. 3-қисм.
7.00-7.20 -»Пойтахт».

### Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Мумтоз наволар.
8.25, 16.55 «Карвонсарой».
8.35, 15.15 «Эсмеральда». Т/с.
9.05 Эко-»Пойтахт».
9.15 «Ҳимоя».
9.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 17.25, 6.30 Сериал: «Чемпионлик орзуси».
10.15 «Ислоҳот одимлари».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дом собаки». Т/с 22-қисм.
11.05 «Интервью». /рус/.
11.15 Нима учун гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».
11.30 «Фан ва тараққиёт».
11.45 «Орзу ортида»Б/ф.
13.55, 19.55 «Ўйларим».
14.00 «Дунё» теледастури.
15.45 «Қонун доирасида».
16.00 «Мовий уммон қаърида». Х/ф.
17.05 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. А. Корелин. »Фолия».
17.10 «Дурдона».
18.25 «Ёз ифори». Т/с 19- қисм.
19.15 «Репортаж».
19.25 Тошкент тароналари.
19.35 «Бизнинг футбол».
20.25, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с 29-қисм.
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Экономическое ревю».
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 «Стрекоза». Х/ф.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.30 «Интервью». /рус/.
00.40 «Все о туризме».
1.10 Ночной сеанс: «Хэнкок». Х/ф.
2.40 «Дурдона».
2.55 «Мовий уммон қаърида». Х/ф.
3.45 Тунги киносеанс: «Орзу ортида»Б/ф.
7.00-7.20 -»Пойтахт».

### Жума

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.20, 16.25 «Карвонсарой».
8.30, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.10 «Бизнинг футбол».
9.30, 15.00, 18.00, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.40, 20.20 Бизнес»Пойтахт».
9.45, 17.25, 6.30 Сериал: «Чемпионлик орзуси».
10.15 «Репортаж».
10.25 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. А. Корелин. »Фолия».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Дом собаки». Т/с 23-қисм.
11.05 «Аҳмад қаерда?» Б/ф.
12.40 «Маърифат фидойилари».
13.55, 19.55 «Ўйларим».
14.00 «Дунё» теледастури.
15.45 «Нима учун?»
16.35 «Ур тўқмоқ». М/ф.
16.50 «Саломат бўлинг!»
17.05 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртамиз эгалари».
18.25 «Ёз ифори». Т/с 20- қисм. /Якунловчи/.
19.25 Тошкент тароналари.
19.35 «Имтиҳон».
20.25, 21.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Инсон матонати». Т/с 30-қисм.
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Афиша». /рус/.
22.15 «Кино SMS со звёздами».
22.20 Комедия по пятницам: «Иван Васильевич меняет профессию».
23.50 «Экономическое ревю».
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.25 Ночной сеанс: «Добўча». Х/ф.
2.00 «Имтиҳон».
2.25 «Мовий уммон қаърида». Х/ф.
3.15 «Бизнинг футбол».
3.35 Тунги киносеанс: «Аҳмад қаерда?» Б/ф.
7.00-7.20 -»Пойтахт».

### Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Мумтоз наволар.
8.25, 16.00 «Карвонсарой».
8.35, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.05 «Репортаж».
9.15 «Дурдона».
9.30, 20.00, 5.00 «Пойтахт».
9.45 Бизнес»Пойтахт».
9.50, 17.25, 6.30 Сериал: «Чемпионлик орзуси».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Дом собаки». Т/с 24-қисм.
11.10 «Открытая дверь».
11.40 «Малласоч хоним». Б/ф.
13.55, 19.50 «Ўйларим».
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
15.00 «Менинг маҳаллам».
15.45 «Саломат бўлинг!»
16.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
16.45 «Қонун доирасида».
17.00 «Санъатимиз ҳазинасидан».
18.00 «Интервью».
18.10 «Афиша».
18.25 «Ҳаёт гўзал». Т/с 1- қисм.
19.25 Тошкент тароналари.
19.35 «Истеъдод».
20.25, 201.50 «Телекурьер-маркет».
20.45 «Таянч нуқтаси».
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
22.05 «Кино SMS со звёздами».
22.10 «27 свадеб». Х/ф.
23.55 Кўрсатувлар тартиби.
00.00 «Пойтахт». /рус/.
00.20 «Интервью». /рус/.
00.30 «Афиша». /рус/.
00.40 Эко-»Пойтахт». /Рус/.
00.50 Ночной сеанс: «Хороший год». Х/ф.
2.40 «Қонун доирасида».
2.55 «Мулоҳаза учун мавзу».
3.25 Тунги киносеанс: «Малласоч хоним». Б/ф.
4.40 «Истеъдод».
7.00-7.20 -»Пойтахт».

### Якшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!»
8.20 Мумтоз наволар.
8.25, 16.35 «Карвонсарой».
8.35 «Эсмеральда». Т/с
9.05 «Интервью».
9.15 «Саломат бўлинг!»
9.30 «Пойтахт».
9.40, 6.30 Сериал: «Чемпионлик орзуси».
10.10 «Саргузаштлар ороли».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 Эко-»Пойтахт». /Рус/.
10.50 «Афиша».
11.10 «Орзулар изтироби». Б/ф.
13.55 «Ўйларим».
14.15 «Парвона». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
16.10 «Болаликка қайтиб».
16.45 «Истеъдод».
17.05 «Менинг шаҳрим».
17.30 «Нима учун?»
18.15 Тошкент тароналари.
18.25 Миллий кино: «Омад». Б/ф. /Премьера/.
20.00 «Кинотақдим».
20.25, 21.25 «Телекурьер-маркет».
20.40 «Тошкент оқшомлари».
21.15 Тошкент тароналари.
21.40 «Все о туризме».
22.15 «Кино SMS со звёздами»: «Вторжение». «Изгой». «Разрисованная вуаль».
00.40 Кўрсатувлар тартиби.
00.50 Эко-»Пойтахт». /Рус/.
1.00 Ночной сеанс: «Меркурий в опасности».
2.55 «Кинотақдим».
3.20 Тунги киносеанс: «Орзулар изтироби». Б/ф.
5.05 «Афиша».
5.20 Эко-»Пойтахт».
7.00-7.20 «Истедод».



## Ярқираган идишлар — иштаҳани очади



Шиша ва биллур идишларни махсус ювиш воситаларисиз ҳам тозалаш мумкин. Бунинг учун тухум ва лимон керак бўлади. Битта лимоннинг сувини сиқиб, унга тухумнинг пўчоғини майдалаб солиб аралаштирасиз. Икки кундан кейин тухумнинг пўчоғи эриб, аралашиб кетади. Ана шу эритма билан идишлар ювилса ярқираб, кўзни яшнатади.

Қаҳва кукуни билан ҳам шиша ва биллур идишларни тозаласа бўлади. Бунинг учун 1 литр сувга бир қошиқ қаҳва ва бир чимдим истеъмол содани солиб, тайёр бўлган эритма билан идишлар ювилса, янгидай жилоланиб кетади.

## Минг бир маслаҳат



***Уй бекалари сабзавот ва резаворларни консервалашда ёки бирор хил салат тайёрлашда кўпинча сиркадан фойдаланишади. Мабодо бехосдан сирка сачраб кўз ёки оғизга тушса, 0,5 чой қошиғида ичимлик содасини 1 стакан сувда аралаштириб, мазкур эритма билан сирка сачраган жойни ювиш, оғиз бўшлиғига тушган бўлса, оғизни чайиш керак.***

* * *

*Болангиз гиламга сиёҳ тўкиб юборса, шу заҳоти доғ устига бир ҳовуч туз ташланг. Туз сиёҳни шимиб олади, гиламда доғ қолмайди.*

*Янги томган сиёҳ доғи сут ва қатиқ билан ювилса, тез кетади.*

* * *

**Ҳўл ўтиннинг тез ёниши учун унга бир чимдим туз ташланса кифоя.**

* * *

*Кийимларга куя тушмасин десангиз, жавонга қуриган апельсин пўстлоғи, тамаки, ёнғоқ япроқларини ташлаб қўйинг.*

* * *

**Унга мита тушмаслиги учун бир бош саримсоқни тозаламасдан ун қопига ташлаб қўйинг.**

* * *

*Оппоқ дастурхондаги чой доғини кетказиш учун доғли жойга глицеринни иситиб сурканг, 20 дақиқадан кейин дастурхонни чайсангиз, доғдан асар ҳам қолмайди.*

* * *

**Гулдор оқ чойшабни тузли сувда ювсангиз, ранги ўнгиб кетмайди.**

* * *

*Матодаги занг доғига лимон шарбатини сингдириб, илиқ сувда чайсангиз доғи тез кетади. Занг доғини кетказиш учун сирка ишқоридан ҳам фойдаланилади.*

*Бир стакан сувга 2 қошиқ сирка қўшилади.*

* * *

**Атирдан қолган доғни глицерин билан артсангиз, кетади.**

* * *

*Овқат тагига олган қозон ва кострюлкани тозалаш учун совуқ сувга икки қошиқ истеъмол содаси қўшиб, 5 дақиқа қайнатилса, уни тозалаш осон бўлади.*

* * *

**Узоқ йўлга қовурилган ёки қайнатилган таом олсангиз, уни албатта, сиркали сув билан ҳўлланган тоза матога ўраб олинг. 2-3 кун айнимай, яхши сақланади.**

* * *

*Девордан гулқоғозни кўчириш учун уни ҳўллаб, токдан олинган дазмол билан дазмоллаш керак.*

* * *

**Агар ёнғоқ қуриб, таъмини йўқотган бўлса, 5-6 кун шўр сувга солиб қўйсангиз асл ҳолига қайтади.**

* * *

*Эскириб тахир бўлиб қолган сариёғни ташлаб юборишга шошманг. Уни эритиб, бир бўлак нон ташласангиз, ёғнинг мазаси ва ҳиди яхшиланади.*

* * *

**Бирор жойингизни бехос кўйдириб олсангиз, тезда тозаланган картошка палласини боссангиз, яхши наф беради.**

* * *

*Сут қайнаётганда унга озгина шакар қўшсангиз, уч кун давомида яхши сақланади (1 литр сутга 1 қошиқ шакар).*

* * *

**100 гр. картошка майда тишли қирғичдан ўтказилиб, бир қошиқ тоза асал қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёр аралашма докага бир энлик қалинликда солиб, жароҳат жойига қўйилгач, бинт билан боғланади. Икки соатдан сўнг боғланма янгисига алмаштирилади.**

**Тоза асал ва картошка пуфакчалар ҳосил бўлишига, чандиқ қолишига йўл қўймайди, терининг эт олишига ёрдам беради.**

## Бодринг оқартиради



Бодрингдан тайёрланган ниқоб юзни оқартириб, гўзал қиёфа бахш этади. Шу билан бирга, юздаги доғларни кетказиб, қуёшдан қорайганда фойда беради.

Ёғли юз терисини тозалашда қирғичдан чиқарилган бодринг, помидор ёки тарвуз сувидан фойдаланишни маслаҳат берамиз.

## Тарвуз яшартиради

Тарвуз суви организмни ортиқча туздан тозалайди. Пўстлоғи терини ултрабинафша нурларидан асрайди. Шу сабаб тарвуз организмни яшартиради.



Малина А ва С витаминига бойлиги сабаб тирноқ ва соч толасини мустаҳкамлайди, инсонни яшартиради. Шу билан бирга, у қон томирларининг варикоз кенгайиши билан оғрувчи беморларга жуда фойдали.

## Оғиздан ҳид келса...

Ялпиз дамламаси билан чайиш керак. Бунинг учун 1 ош қошиқ қуритилган ялпиз устига 1-2 стакан қайноқ сув қуйиб, 1 соат тиндирилади. Кунига 3-4 марта оғиз чайилади. Ялпиз ўрнига петрушкадан фойдаланиш ҳам яхши наф беради.

## Қадоққа қарши саримсоқ



**2 бош саримсоқни майдалаб бир ош қошиқ эритилган думба ёғи билан аралаштириб, тунда қадоқнинг устига боғлаб қўйилса, фойда беради. Муолажа қадоқ йўқолгунча давом эттирилади.**

## Салат барги



**Салат барги — қон босимини пасайтиради. Айниқса, помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар билан тановвул қилинган салат барги қон босимини бир меъёрда ушлаб туришига ёрдам беради. Салат барги таркибидаги шифобахш моддалар терини яшартириб, ажин тушишидан асрайди.**

## Шодлик гармонлари



Буюк британиялик олимлар «Шодлик гармонларини» кашф этишди. Уларнинг аниқлашларича, тонгда майкачан югурган одам қонида 30 дақиқадан сўнг махсус органик модда ажралиб чиқаркан. Ана шу моддани югурувчи одам қонидан ажратиб олиб, бошқа кишининг томирига қўйилса, унда қувонч ҳисси ва яхши кайфият пайдо бўларкан.

Тонгда мазза қилиб югурган киши танаси яйраб, руҳий қувватланиши қонга қуйилаётган махсус табиий модданинг кучидандир.

Табиат қўйнида бўлиш, сув, гул, майсазорлар узра саёҳат ҳар қандай таблеткадан кўра кўпроқ қувват ва шифо бағишлашини ҳам ҳамиша ёдда тутинг.

## Атиргул мураббоси

Атиргул нафақат хушбўй ҳиди ва гўзаллиги, балки шифобахш хусусияти билан ҳам халқ табобатида кенг қўлланилади. Айниқса, унинг гулбаргидан тайёрланган мураббо ва гулқанд офтоб уриши, камқонлик, ич кетиши, дармонсизлик, сурункали ва ўткир йўталга даво эканлиги исботланган.

Буюк аждодимиз, табобат илмининг донишманди Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида атиргулнинг шифобахшлигини бирма-бир санаб ўтган. Ул зотнинг эътироф этишича, атиргулнинг асал билан тайёрланган мураббоси меъда суюқлигининг олдини олиб, овқат ҳазм бўлишида самарали дори ҳисобланади.

Атиргул гулбаргларини қайнатиб, сиқиб ташламасдан шишларга боғланса, шишни қайтаради ҳамда сарамаснинг тузалишига ёрдам беради. Атиргул ва узум шарбати қайнатилиб, милкларга суртилса, қулоқ оғриганда қўйилса, яхши самара беради.

Мутахассис олимларнинг аниқлашларича оқ ва қизил атиргул шифобахшлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Тоғ ён бағрида ўсадиган атиргул, айниқса, шифобахшдир.

***

Атиргул мураббосини тайёрлаш учун 1 кг. гулбарг, 4 кг. шакар, 800 гр. сув керак бўлади. Аввал қиём тайёрланади. Унга гул баргларини солиб 10 дақиқа қайнатиб, оловдан олиб совутилади. Шундан сўнг 15-20 дақиқа қайнатилса, гул мураббоси тайёр бўлади. Бу мураббо наҳорда бир қошиқдан истеъмол қилинса, юракка қувват бағишлаб, кўнгилни равшанлаштиради.

***

Атиргул суви юракка қувват, кўнгил айнишига даво. Уни тайёрлаш учун 3 литрли банка гул япроқчалари билан тўлдирилади. Устига икки қошиқдан лимон кислотаси ва қайноқ сув қуйилади. Бир кун ( бир сутка)дан сўнг докадан сузиб олинади. Шиша идишда, салқин жойда сақланади.



Атиргул сувидан наҳорда икки қошиқдан ичилса; қирқ кунда юрак қувватга тўлади.

**Нурота тоғ тизмалари паст-текислиги, ёнбағирлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой. Ҳудуддаги салкам қирқ минг гектар майдонни республикамиздаги энг бой масканлардан бири Фориш овчилик хўжалиги эгаллаган. Бу ернинг ҳайвонот олами ҳар қандай кишини эътиборсиз қолдирмайди.**

# Айдаркўл овчилари



Ўн беш йилдирки, Фориш туман овчилар ва баликчилар жамияти раиси Қурбонбой Сарабековнинг саъй-ҳаракати билан нозирлар гуруҳи теварак-атроф, ҳайвонот олами муҳофазасига кўз-қулоқ. Қурбонбой ота олтмиш беш ёшни қаршилаётган бўлса-да, ҳали бақувват, эгри-бугри тоғ йўли ва ҳавза қирғоқлари бўйлаб илдам юради. Болалигидан тоғу тош ва чўлу биёбонларни кўп кезган отахон ҳаётининг мазмунини табиатсиз тасаввур этолмайди.

Ҳар гал бу ерга қадам қўйганида қалбини чексиз ҳаяжон чулғаб олар, назарида ов завқини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмасди. Унинг ортида катта куч, маҳорат, туганмас сабр-тоқат мужассам бўлиши лозимлигини яхши билади. Қордек оппоқ ва чиройли ити ҳамиша зийрак. Узун оёқлари ҳамда ҳид билишда ўта сезгирлиги билан бошқа итлардан фарқ қилувчи Тўрткўзга ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароити писандмас. Овчининг кўрсатмаларини бекаму кўст бажаради.

Қурбонбойнинг касби — қурувчи. У қишлоқ аҳолисига эшик-ром ясаб, уйлар барпо этишга ҳиссасини қўшиб келади. Лекин қушлар парваришига ҳам вақт ажратиб, мутахассислар маслаҳатига амал қилган ҳолда зарур адабиётларни ўқиб-ўрганишдан эринмайди. Ҳовлисидаги жонли бурчакда каклик, тўтиқуш, бедана, булбул ва аквариумдаги баликлар — барча-барчаси унинг меҳрига ташна. Сайроқи қушларнинг тонгдаги хониш янги куннинг серфайз ва мазмунли бўлишига ишорадек кишига хушкайфият бағишлайди.

Отаси Қурбонбойни ўзи билан тоққа олиб чиққанида, ўтмишдаги одамлар қандай ов қуролларидан фойдаланганини, анъаналарга содиқ қолган ҳолда парранда-ю даррандаларнинг яшаш жойларига зиён етказмагани ҳақида сўзлаб берарди. Овчининг иши фақат ов эмас, балки тирик мавжудотларни хавф-хатардан ҳимоялаш ва кўпайишига ғамхўр бўлишдан ҳам иборат эканини уқтирарди. Шунинг учун бўлса керак, кейинчалик Қурбонбой уларнинг яшаш тарзи, кўпайиши ва феъл-атворини ўрганди, хавф туғдираётган сабабларни аниқлаб, осойишталигини таъминлашга ҳаракат қилди.

Овчилик хўжалиги ҳудудида мавжланиб турувчи Тузкон кўли ва Айдар-Арнасой сув ҳавзалари шимол ва жануб томонлардан учиб келаётган турфа хил қушларга «меҳмонхона» вазифасини ўтайди. Обиҳаёт улар учун тириклик ва ҳаётий зарурат манбаи. Беозор жониворлар сўлим гўшада хавфдан холи. Қўриқхона нозирлари доим улардан кўз-қулоқ. Қирғоқлардаги вагон-уйлар сайёҳ ва нозирлар учун қулай бошпана.

— Табиат барча тирик мавжудотлар қатори инсоннинг ҳам яшаш жойи, — дейди Жиззах вилояти овчилар ва баликчилар жамияти раиси Маматқул ака Жуманов. — Шундай экан, теварак-атрофимизни муҳофаза этиш муқаддас бурчимиз бўлмоғи лозим.

Фасллар алмашинуви бошланиб, Тян-Шан тоғ чўққиларидаги об-ҳавонинг ноқулай келгани сабабли ўтган йил куз охирида жанубга йўл олган ўрдак, ғоз ва бўз турналарнинг бир қисми юртимизда қолишига тўғри келганди. Йил фаслларига қараб қушларнинг феъл-атвори ҳам ўзгариб туриши табиий. Қанотли ҳимоячиларимизни ўғринча ов қилувчилардан ҳимоялаш ва қиш кунларида озуқа билан таъминлаш нозирлар зиммасига юклатилган. Улар туманнинг Янгиқишлоқ, Қораабдал, Нарвон, Осмонсой ва Ҳаётсой қишлоғида вақти-вақти билан текширув ўтказишиб, овчиларнинг мавсумий йўлланма ва рухсатномаси бўлиши, аъзолик бадалини тўлаб бориши ҳамда қуёш ботгандан сўнг ов қилиш таъқиқланганини назорат қилиб боради. Қонунбузарларга жарима белгилаш кўзда тутилган. Бунда туман овчилар ва баликчилар жамияти нозирларидан Ғайбулла Тўйчиев, Володя Зеленин, Пардабой Бердиқулов ва Гулмурод Мўминов фаоллик кўрсатишяпти.

**Абдулла САИДОВ,**
**Жиззах вилояти**

**Сурхондарёда Ҳисор, Бойсун, Боботоғ ҳамда Кўҳитанг тоғлари бор. Улар орасида Кўҳитанг ўзига хос табиати ва бетакрор биологик захиралари билан ажралиб туради. Шу боис бу ҳудуд давлат муҳофазасига олинган. Кўҳитанг тоғининг катта қисми «Сурхон» давлат қўриқхонаси таркибига киради. Қўриқхонанинг умумий майдони 245 км. квадратни ташкил этиб, тоғ тизмасининг жануби-шарқий ёнбағри Шеробод туманига қарашли.**



# Кўҳитанг

— Кўҳитанг тоғлари такрорланмас табиат оламига эга, — дейди «Сурхон» давлат қўриқхонаси бош нозири Анвар Жабборов. — Бу ерда кишилик жамияти тараққиётининг таъсири деярли сезилмайди. Табиат ўз ҳолича сақланган.

Кўҳитанг тоғига туташ катта Қўрчиқ тоғ тизмасининг жанубида дунёга машҳур неолит даври ёдгорлиги — қоятош битиклари акс этган Зараутсой дараси ястаниб ётибди. Зараутсой битикларида аждодларимиз томонидан қизил рангли бўёқда ўша давр одамларининг турли машғулотлари, жумладан, ёввойи ҳайвонларни овлаш манзаралари тасвирланган. Ушбу ёдгорлик ЮНЕСКОнинг моддий ва маънавий маданият дурдоналари рўйхатига киритилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Метиндай мустаҳкам қоятошни ёриб ўсаётган бодом дарахтини кўриб, табиатнинг мусаввирлигига қойил қоласан киши. Яна бир қоятошдаги кичик ковакдан ўсиб чиққан «Заранг» ниҳоли ҳам 2-3 йилда йирик дарахтга айланиши шубҳасиз.

Қўлдарозсой дарасида геологик қатламлар яхши сақланган. Улар она замин тарихининг зарварақлари сифатида муҳофаза қилинади. Ундаги эгизактош — «Аждартош» ва «Армонли тош» табиат қўли билан яратилган дурдонага ўхшайди. Улар энг мукаммал санъат асаридай ўзининг табиийлиги ва улуғворлиги билан ажралиб туради.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглиги Кўҳитанг тоғларининг асосий хусусияти ҳисобланади. Биохилма-хиллик фавқулодда бетакрор кўринишга эга. Бу ерда тоғ даштлари, ўрмонлари ва ўтлоқларининг бой ўсимлик дунёсига гувоҳ бўлдик ҳамда баланд тоғ минтақасига хос флорани учратдик. Кўҳитанг ҳудудининг катта қисми ўрмонлар билан қопланган. Ўрмонда Туркистон заранги, учқат, аччиқ бодом кенг тарқалган. Лекин, ўрмонлар ҳосил қилган асосий дарахт тури зарафшон арчаси ҳисобланади.

Кўҳитанг арчазорлари Марказий Осиё, Кавказорти ва бошқа ўлкалардаги арчазорлардан бутунлай фарқ қилади. Ёнғоқзорларнинг сақланиб қолингани ҳам Кўҳитанг табиатининг бир мўъжизасидир. Ёнғоқзорлар қадимги субтропик ўрмонларнинг намунаси ҳисобланиб, улар Ер шарининг фақат Марказий Осиё минтақасида сақланиб қолган. Ҳозирги кунда Кўҳитанг тоғларида 578 та ўсимлик тури аниқланган. Сариқ андиз, кийик ўти, алқор, далачой каби доривор ўсимликлар шулар жумласидандир. Бутун сайёрамизда юз бераётган биохилма-хилликнинг қисқариб бориш жараёни бу ҳудудга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Кўҳитанг тоғларида ўсадиган 20 дан ортиқ ўсимлик Ўзбекистон «Қизил китоби»га ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида киритилган. Улардан Бухоро астрагали, туберген лоласи халқаро «Қизил китоб»га киритилган.

Кўҳитанг ҳайвонот дунёси ҳам ўзига хос. Бу ерда 23 турдаги сут эмизувчи, 70 турдан ортиқ қушлар, 30 турга яқин судралиб юрувчи ва кўплаб турдаги ҳайвонлар ҳаёт кечиради. Улар орасида муҳофаза қилинмаса яқин йиллар ичида йўқолиб кетиши мумкин бўлган ҳайвон турларини учратиш мумкин. Масалан, Бухоро тоғқўйи сони эллик бошдан ошмайди. Бурама шохли эчки ёки морхўр ҳам жуда кам сақланиб қолган. Қўриқхона ҳудудида 150 бошдан ортиқ морхўр муҳофаза қилинмоқда. Шуниси қизиқки, ушбу ҳайвонларнинг аксарияти кўпроқ инсон таъқибидан ҳимояланар экан.

Кўҳитанг тоғларида ҳаёт кечирадиган морхўр ва Бухоро тоғқўйи, бўз эчкиэмар, Туркистон капчабош илони ҳамда оқ ва қора лайлаги, қоплон (леопард), оқ бошли қумой каби ўн уч турдаги ҳайвон Ўзбекистон ҳамда халқаро «Қизил китоб»га киритилган.

Қўриқхонада 40 нафардан ортиқ ходим фаолият кўрсатади. Баъзан хизмат анжомлари, транспорт ва алоқа воситаларининг етишмаслиги боис муаммолар учраб туради. Ўрмон нозирлари муҳофаза қиладиган ҳудуд жуда катта. Уларнинг кўзини шамғалат қилиб, ноёб турдаги ҳайвонларни ноқонуний тарзда овлайдиганлар бор. Шундайлардан бири, «Кампиртепа» қишлоғида яшовчи Абдулла Жўрабоевдир. У қўриқхонанинг Хатак бўлимига ов қилиш мақсадида яширинча кириб, битта морхўр-бурама шохли тоғ эчкисини отиб (бу тур халқаро «Қизил китоб»га киритилган) жиноят содир этди. Суд қарори билан у 3 млн. сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

Хўш, қўриқхонадаги 1 бош ҳайвон учун Абдулла Жўрабоев нега бундай жазо олди.

— Морхўр Ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган тур сифатида муҳофаза этилади. Ўрама шохли бу йирик жониворнинг тана узунлиги 150—170 см, елкаси баландлиги 100—110 сантиметр, вазни 110 кг.га етади. Урғочиси эркагига нисбатан кичикроқ бўлади. Жун қатламининг ранги фаслларга қараб ўзгаради. Ёзда малла-сариқ, қишда кулранг, қорин қисми оқ рангда. Морхўрнинг асосий белгиси шохларининг пармасимон буралгани бўлиб, эркагида 70 см.гача, чекка қирраси бўйлаб 110—115 см.гача шохи бўлади. Морхўрлар Кўҳитангнинг Вандоб, Олти кунлик, Зиралик, Кийикдара, Тошлиюртсой, Жингилдара, Етимтоғ, Палангдара, Қуруққўлсой, Қамовқия, Боғлидара, Каттатоғ, Оролтоғ, Олмабулоқ, Каттақўрчиқ, Совуқбулоқ ҳудудларида айланиб юришади.

Қўриқхона ҳудудидаги аҳоли ҳам ўрмончиларга ноёб ўсимлик ва ҳайвонларни асраб-авайлашда ёрдамлашмоқда.

Бинобарин, Кўҳитанг тоғларининг табиий бойликларини авайлаб-асраш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи, қолаверса, она табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибори рамзидир.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Виждон азоби

Умид ўрта мактабни битиргач, билими ҳаминқадар бўлса-да, нуфузли институтлардан бирига ҳужжат топширди. Бироқ масъулиятни ҳис қилиб, синовларга пухта тайёргарлик кўриш ўрнига ўзига ўхшаган уч ўртоғи билан отаси берган жарақ-жарақ пулларни маишатга сарфлади. Ғойибдан омад келишини кутган тўрт оғайни тест синовларидан ўтолмагач, қишлоққа қайтишди. Уларнинг, «контрактга илинган эканман, сизларни қийнамай деб ҳужжатларни қайтариб олдим, кейинги йил яхши тайёрланиб грантга кираман», деган сўзларига ота-оналари ҳам ишонишди.

Яшиндек ўтган бир йил мобайнида тўрт оғайни китоб ўқиш тугул бирорта фойдали иш билан ҳам шуғулланишмади.

Уларнинг ичида эркатой ҳамда пулдорроғи Умид эди. Унга гоҳ отаси, гоҳо отасига билдирмай онаси пул бериб турарди. Онаси қизларининг «ўғлингизни талтайтириб юбораяпсиз, бу кетишда бирон ишнинг этагини тутиши амримаҳол», деган дашномларига қарши «нима қилай, ёлғиз ўғил бўлса, сизлар ҳам иложи бўлса уни сийлаб турринглар. Биздан кейин қоладиган ҳам, ота уйларинг чироғини ёқиб турадиган суянчиқларинг ҳам шу ахир», дерди кўзида ёш билан.

Хуллас, кейинги йил улар ҳужжат тайёрлашга ҳатто «вақт ҳам топа олишмади». Қизлар билан телефонда гаплашиш, туман маркази ёки қишлоқнинг хуфия хонадонларида бемаза кинолар кўриш улар ҳаётининг мазмунига айланди. Таклиф қилинмаган тўйларга ҳам бориб, маст ҳолда уруш-жанжаллар қилиш одат бўлиб қолди.

Бир гал отасининг уни тартибга чақириб, амакисининг автомашиналарни таъмирлайдиган устахонасида иш ўрганишга бориши тўғрисидаги гаплари Умидга жуда қаттиқ ботиб, худди урган билан барobардек бўлиб кетди. Лекин ота ягона ўғлини аччиқ устида хафа қилиб қўйишидан қўрқиб, юмшоқ пўписадан нарига ўтолмасди. Умиднинг шўхликлари туфайли маҳалла оқсоқолидан икки-уч марта гап эшитганидан сўнг қон босими ошадиган бўлиб қолди.

Кунлардан бирида одатдагидай маст ҳолатда келган Умид онасига шарт қўйди:

— Менга етарли пул бера олмай қолдиларинг, ишлагани Россияга кетаман. Ана, Турғуннинг акаси бир йил ишлаб келиб, укасини уйлади, янги Нексия ҳам олди.

— Бу гапни бир гапирдинг, иккинчи тилингга олма, болам, — деди она зорланиб, — Турғунлар уч оғайни, сен якка ёлғизимиз бўлсанг. Опаларинг жойларини топиб, чиқиб кетишган бўлса, бир кор-ҳолга йўлиқсанг, бу уй чироғини ким ёқиб ўтиради?

— Ёмон ваҳимачисиз-да. Кунлик уч-тўрт минг сўм деб дадам икковингга ялиниб юраманми?

— У ёққа бориб ишлашгаям бирон ҳунар билиш керак, сенга ўхшаганларни ким ишлатарди, ҳалиям бўлса, узоқнинг буғдойини орзу қилмай амакингга шогирд туш. Неча бегоналар ҳунар ўрганиб, уй-жойли, ҳатто машинали бўлиб кетди, — гапга қўшилди ота.

— Энди бир камим қора мойга ботиб, машиналар тагида ивирсиш қолувди, — Умид шундай дея эшикни қарсиллатиб ёпиб, гузарга йўл олди.

Четга ишлагани бориш тўғрисида ҳар куни айтавериб ота-онасини зериктиргач, уларнинг рози бўлишдан ўзга чораси қолмаётган эди. Лекин телевизордаги катта маош, қулай иш шароитлари ваъда қилиб, ўз юртдошларини сотиб юбораётган имонсизлар тўғрисидаги кўрсатувларни кўргач, онаизор қанча пул керак бўлса, топиб беришини айтиб йиғлади. Қўшни қишлоқдаги бир оиладан бирваракай уч кишининг тобути келгач, Умиднинг ўзи ҳам сал чўчигандек бўлди.



Кунлардан бир кун бўлиб ўтган воқеа эса Умиднинг четга ишлаб келиш тўғрисидаги орзуларини бутунлай чил-чил қилди. Зулматга чўмган қишлоқ аҳли тинч ва осуда уйқуда эди ўша кун. Фақат дайди итларнинг увилллаши-ю, катта йўлда бир-бири билан сўкишиб, қийқириб келаётган тўрт улфатнинг шовқинигина бу осудаликка путур етказиб турар эди.

Зулматни енгишга ҳаракат қилмоқчидек атрофни сутдек ёритиб турган тўлин ой ҳам бу бетавфиқлардан ор қилгандек, булутлар қаърига яширинди. Шу пайт орқа томондан узлуксиз сигнал бериб келаётган машина уларни ҳушёр қилгандек бўлди. Анча яқинлашганда пешонасидаги чироқни кўришиб, милиция бўлса керак, деб қочмоқчи ҳам эди, тез ёрдам машинаси эканлигини билишиб, сал ўзларига келишди.

— Укалар, Толиб домланинг уйини айтиб юборолмайсизлармиди? — деди машина ойнасидан бошини чиқарган ҳайдовчи хавотирли оҳангда.

Йигитлар бир-бирига «сен айт, менга нима зарил» дегандек қараб туришганда Умид:

— Э-э-э, ак...акалар а...адашиб...силар, орқага қайтиб, ўнг томонга бурилиб, тўғрига юрасизлар, Ўшатда кўк дарвозали бе...-бешинчи уй.

Ҳайдовчи раҳмат айтиб, чаққонлик билан машинани ортга бурди. Кейин юқори тезликда ҳайдаб кетди.

— Умид, ҳей, Умид, — деди шерикларидан бири. — Сен, «савсем» тескари томонди кўрсатиб юбардинг-ку, ё арақдан яшаш жойингни ҳам эсингдан чиқардингми?

— Э...Э... у анавида, ўзимизди ўқитган домла-да... Мактабдагиси етмагандай ҳалиям менга насиҳат қилгани қилган. «Вей, домла менга сизди насиҳатингиз бир тийин, насиҳат қиладиган отам бор», десам, «шу кетишингда отангниям бошини ейсан», деса бўладими лаънати. Уйида бир қари энаси бор, ҳойнаҳой ўшани куни битгандир-да.

Улфатлар худди узоқ сафарга кетаётгандек ярим соатдан ортиқ қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашгач, уй-уйига тарқалишди.

Умид уйига яқинлашар экан, ҳалиги тез ёрдам машинасига кўзи тушди. «Охири топишибди-да, барибир анча излашган бўлса керак», дея ўзича ғўлдираб қўйди. Бироқ машинанинг қўшниси эмас, ўз уйлари яқинида турганини кўриб, юраги шиғ этди. «Ни...нимага домла чақирса-ю, бизни эшик ёнида тўхтади... Ёки адашдимикан»...дея олдинга юрмоқчи эди, бирдан уйларидан оқ халатли шифокор билан чиқиб келаётган домланинг тажанг овозини эшитиб, ўзини йўл ёқасидаги қари тол панасига олди.

— Мен сизларга телефонда тезроқ келинглар, «давления»си жуда баланд деб, айтдим-ку!..

— Сизга яна такрор айтаман, йўлдаги ғаламис болалар бизни чалғитмаганда, албатта, вақтида етиб келар эдик! Афсус, ҳали ёш экан, яшаса бўлар эди... Ҳе ўшанақа болларди тарбиялаганларнинг падарига минг лаънат! — деди баралла овозда тўладан келган шифокор.

— Ни..нима, бизникида... ким бўлиши мумкин, наҳотки дадам, дадамнинг қон босими..., — дер экан пичирлаб, овозининг борича «Дадажон, мени кечиринг», деб югуришга ҳам юраги дов бермади. Фақат машина ўрнидан жилиб, домла бошини сарак-сарак қилганча ўз уйига кириб кетгач, панадан чиқиб, дарвозага яқинлашди... Ичкаридан онаси ва катта опасининг зорланиб йиғлашидан бор ҳақиқатни англади. Гарангсиган ҳолда темир дарвозага пешонасини қўйди. Муздай темир узра унинг иссиқ кўз ёшлари оқа бошлар экан, домланинг сўнгги гаплари миясини баттар кемирар эди: «...Отангни бошини ейсан...», «отангни бошини ейсан...», «отангни...»

Умиднинг ичкарига додлаб киришига бир нарса: умрида биринчи бор ўзи сезмаган ҳолда дуч келаётган, нималигига ақли ҳам етмаётган виждон азоби тўсқинлик қилар эди.

**Муҳиддин МАДАМИНОВ,**
**Бағдод тумани**

# Шубҳа — қоронғу зиндон



Кундалик юмушлару ҳаётда бир-биримиз билан бўладиган муносабатларда ишонч муҳим ўрин тутади. Аммо табиийки, «Сутдан оғзи куйган, қатиқни ҳам пуфлаб ичади», деган ҳикматни ҳам ёдда тутган маъқул. Бу эҳтиёткорлик, алданиб қолмаслик маъносида қўлланилади. Фақат ҳамма нарсада ҳам меъёр бўлгани яхши.

Назаримда, кейинги йилларда ўзаро муносабатларда ишонч туйғуси ўрнини қандайдир шубҳа эгаллаб бораётгандек. Тўғри, орамизда ишонч туйғусини поймол қилувчилар ҳам бор. Лекин бу бутун борлиқни ёлғон эгаллаган, дегани эмас-ку?!

Ёши қирқдан ошган бўлса-да, ҳалигача турмушга чиқмаган қиздан бунинг сабабини сўраганимда, кўзлари ёшга тўлиб:

— Севган йигитим бошқасига уйланиб кетган, шундан сўнг ҳеч бир йигитга ишонмай қўйдим, эшикдан келган совчиларни ортига қайтариб юравердим. Энди бўлса афсусдаман. Билмабманки, шубҳа қоронғу зиндон экан. Мен мана шу шубҳа зиндони ичида қолиб кетгандайман, — дейди.

Баъзан «Фалончи зўр одам эди, хотинидан шубҳаланиб, ичкиликка берилиб кетди», «Фалончи ҳамкасбидан шубҳаланиб, унга тинчлик бермай қўйди», — деган гапларни эшитиб қоламиз.

Тарих китобларини варақлар эканмиз, қанчадан-қанча буюк шахсларнинг жонига шубҳа зомин бўлганини кўрамиз. Ҳатто, гулдек оилаларнинг бузилишига, ақли расо одамларнинг йўлдан озишига ҳам шубҳа сабабчидир.

Мана бу ривоятни, ўйлаймизки, сиз ҳам эшитгансиз.

Қадимда бойлиги билан дунёга машҳур бир савдогар ўтган экан. Унинг жуда гўзал, ҳуснда тенги йўқ хотини бўлиб, уларнинг бирдан-бир камчилиги фарзанди йўқлиги экан. Иккаласи Яратганга илтижо қилиб, ўзларига фарзанд сўрашар экан.

Бир куни савдогар олис тижорат сафарига жўнаб кетибди. Орадан йиллар ўтиб, қайтиб келса, хотини билан бир йигит ухлаб ётганмиш. Хотинини жонидан ҳам ортиқ севган савдогар, уни хиёнатчи деб гумон қилиб, аввал ухлаб ётган йигитни, кейин эса хотинини ўлдирмоқчи бўлибди. Савдогар қиличини яланғочлаган ҳам эканки, хотини уйғониб кетиб, бақирибди:

— Нима қиляпсиз, ахир у якка-ю ёлғиз фарзандимиз-ку, — дебди

Шовқин-суронда йигит уйғонибди ва онаси тасвирлаган отасини таниб, уни маҳкам қучоқлаб олибди.

Савдогар сафар тадоригини кўраётган кезларида хотинининг бўйида бўлиб, у йўлдалигида ўғил кўрган экан. То эри сафардан келгунча ўғли ўн олти ёшга тўлибди. Савдогар хотинининг ҳикоясини эшитиб, севинганидан кўзларига ёш тўлиб:

— Шайтоннинг гапига кириб, сал қолди-я, ўз нуридийдамни ўлдиришимга, — дебди...

Ҳаётнинг чиройи, ишқнинг самимиятини янада ёруғроқ кўраман десангиз, ишонч билан яшанг. Зеро, ишонч шубҳанинг қўлидаги ханжарни гулга, оёқ остидаги қора тошни чаманга айлантиради.

**Ҳалима ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Республика Маънавият-тарғибот маркази бўлим мудири**

# Полиомиелитга қарши эмлаш



Маълумотларга қараганда, бир неча минг йиллар олдин полиомиелит хасталиги Миср ва Фаластин аҳолиси ўртасида кенг тарқалган. Мисрдан топилган одамнинг мумиёланган скелети суякларидаги ўзгаришлар бу касалликка хос бўлганлигини кўрсатади. Гиппократ ҳам аҳоли ўртасида шол бўлиш ва оёқ ҳаракатининг кескин ўзгариши кузатилганини ёзиб қолдирган.

Касаллик эпидемияси XVIII асрда аҳоли ўртасида кўп учраган, жумладан, бир қатор Европа мамлакатларида кузатилган. Стокголм шаҳрида 1890 йилда полиомиелит эпидемияси қайд этилган. Олимлар ўша вақтдаёқ бу касалликнинг юқумли эканлигини эътироф этишган. Кейинчалик хасталик бошқа ҳудудларда ҳам тарқалиб, инсон ҳаётига хавф солган, ўлимга сабаб бўлган. А.Кожевников, П.Преображенский каби рус олимлари касалликнинг пайдо бўлиши вирусларга боғлиқ эканини илмий исботлаб беришган.

1950-1958 йилларда Россияда полиомиелит эпидемияси кузатилган. 1964-1968 йилларда эпидемиянинг юқори кўрсаткичлари Болтиқбўйи республикаларида, 1969 йили Туркманистон, Ўзбекистонда, 1987 йили Қирғизистонда, Қозоғистонда тарқалган.

Касаллик фақат хасталикка чалинган бемор орқали одамларга юқади. Катта хавфга эга бўлган касалликнинг инкубацион даври 3-7 кун. Хасталик худди шамоллашдек кечади, лекин кейинчалик беморнинг тўсатдан шол бўлиб қолиши кузатилади. Касаллик вируси шиллиқ пардаларидан секин-аста ажралиб чиқади. Мисол: халқум пардасида вирус узоқ вақт — 20-30 кун ичида ажралиб чиқаверади. Шу билан бирга, нафас йўли орқали ҳам вирус атрофга тарқалади.

## Полиомиелит асорати

Полиомиелит вируси беморнинг орқа мия ҳужайралари, ингичка ва йўғон ичак деворлари, халқум доираси, лимфатик бўғимларида учрайди.

Энг хавфли шикастланиш бош мия ва орқа мия ҳужайраларида учрайди. Бунда беморнинг юриши оғирлашиб, шол бўлиб қолади.

Нафас йўлларида яллиғланиш — ларингит, трахеит, бронхитга олиб келади. Шу билан бирга, юракнинг хасталаниши кузатилади.

Вируснинг заҳарли таъсири ички аъзоларни шикастлаб, асаб тизими фаолиятини кескин ишдан чиқаради. Шунингдек, ҳаво етишмаслиги натижасида ўпкада кескин ўзгариш содир бўлади. Полиомиелитнинг булбар шаклида фалаж бўлиши жуда кўп кузатилади. Айниқса, болалар ногирон бўлиб қолишади.

Республикамизда полиомиелитга қарши эмлаш кампанияси бошланди. Кўпчиликнинг «Нега бирданига бизда бу юқумли касалликка қарши эмлаш бошланди?» деган ҳақли савол туғилиши табиий.

Полиомиелитга қарши эмлаш Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи асосида амалга оширилмоқда. Бунга сабаблар сўнгги пайтда қўшни Тожикистон Республикасида полиомиелит муаммоси пайдо бўлиб, эпидемик ҳолат хавфли тус олди. Шол бўлган 503 нафар бемор аниқланиб, рўйхатга олинган. Беморлардан 141 нафари полиомиелитнинг 1-тури билан хасталанган. 13 нафари вафот этган.

## 2 миллиард бола ҳимояда!

Полиомиелит касаллиги фақат ёш болаларда учраши характерли ҳолдир. Шу сабаб бу юқумли инфекциянинг республикамизга кириб келиш хавфи юзага келди.

— Албатта бу касалликнинг қўшни давлатда тарқалиши ҳам жуда катта хавф туғдиради, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорати бўлимининг масъул ходими Дилором Турсунова. — Республикамизда полиомиелитга қарши эмлаш икки босқичда: биринчиси — 17-23 майда ўтди, иккинчиси — 7 июндан 13 июнгача ўтиши режалаштирилган. Мамлакатимизда полиомиелит касаллиги аниқланмаган.

Шу сабабли иммунизация миллий кунларини эълон қилдик ва унинг биринчи босқичини тўлатўкис бажардик. Эмлаш учун вакцина ЮНИСЕФ ва Бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг инсонпарварлик ёрдами сифатида тақдим этилди. Республикамизга 6 миллион 600 минг вакцина олиб келинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эмланган болалар иккинчи марта яна эмланади, яъни иккинчи босқичдан ўтказилади. Кўпинча «эмлаш» сўзи укол, оғриқ билан ифодаланади, лекин бу дастурда полиомиелитга қарши эмлаш оғиз бўшлиғига 2 томчи вакцина томизиш билан белгиланади. Бу жуда осон ва одамлар учун зарарсиздир.



Маълумки, БЖССТ Тожикистондаги аҳволни реал баҳолаб, бу ҳудудда болаларни эмлаш 5 турда ўтказилиши ва унда 15 ёшгача бўлган болаларни оммавий иммунизациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда БЖССТ мутахассислари бу ерда оммавий иммунизация ўтказиш билан банд.

Полиомиелит даволаб бўлмайдиган инфекцион касалликдир ва ҳар бир болани фақат полиомиелитга қарши оралполиомиелит вакцинаси /ОПВ/ билан эмлаш орқали касалликдан ҳимояланади. Францияда тайёрланган вакцина хавфсиз ва самарали бўлиб, ҳар бир болага, шу жумладан, чақалоқларга икки томчидан берилади.

Полиомиелитга қарши оралвакцина бутун дунё бўйлаб ушбу оғир хасталикдан 2 миллиард болани ҳимоя қилади.

## 2,9 миллион бола эмланди

Полиомиелитга қарши Миллий иммунизация кампанияси ЮНИСЕФ ва БЖССТ кўмагида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилмоқда. Бутун мамлакатимиз бўйлаб 7000 та клиника, ҚВП ва махсус эмлаш пунктларида болалар орал, яъни оғиз орқали юбориладиган полиомелит вакцинаси /ОПВ/ билан эмланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимлари эмлатиш имкониятини кенгайтириш тадбирларини кўрмоқда. Бир вақтнинг ўзида барча болаларни иммунизациядан ўтказиш учун сайёр гуруҳлар ташкил этилади.

БЖССТнинг бутун Оврупа минтақасига, шу жумладан, Ўзбекистонга, 2002 йилда полиомиелитдан ҳоли ҳудуд сифатида сертификат тақдим этилган. Ўша вақтдан буён, режа асосида иммунизация тадбирлари ўтказилиши туфайли мамлакатимизда бу касаллик кузатилмаган. Бироқ яқинда Марказий Осиёда полиомиелитга чалинишнинг янги ҳолатлари Тожикистонда қайд этилгани сабабли, касалликнинг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиш хавфи юзага келди. Шунинг учун полиомиелитга қарши Миллий иммунизация кунларини ўтказиш лозим деган қарор қабул қилинди.

— Эмлаш болаларни полиомиелитдан ҳимоя қилишнинг ягона самарали усулидир, — деб таъкидлади Бош давлат санитария врачи, ССВнинг ўринбосари Бахтиёр Ниязматов. — Ўтказилаётган иммунизация тадбирлари давомида беш ёшгача бўлган ҳар бир бола эмланиши муҳим аҳамиятга эга. Миллий иммунизация кунларида ота-оналар фарзандларини полиомиелитга қарши эмлатиш учун яқин атрофдаги тиббиёт муассасаси ёки эмлаш пунктига олиб боришлари лозим. 1-босқичда республика бўйича 2,9 миллион бола эмланди.

## Эмлаш қандай наф беради?

Эмлаш муолажаси чуқур илмий изланишлар асосида тавсия қилинган ва болаларни полиомиелитга қарши иммунитетини кучайтиришга ёрдам беради. Бола касалликка қарши аввал эмланган бўлса ҳам, мазкур кампаниянинг босқичлари давомида албатта қайта эмланиши керак. Тадбир давомида эмланмай қолган ҳар бир бола ўзи ва бошқа болаларнинг саломатлигига жиддий хавф туғдиради. Полиомиелитга қарши эмлаш бепул амалга оширилади.

## Касалликнинг олдини олиш

Албатта, касалликнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун полиомиелит касаллиги тарқалган мамлакат фуқароларининг қўшни давлатларга ўтиши, кириб келиши вақтинча тўхтатилади.

Тошкент шаҳрида эмлаш кампанияси уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Шаҳар транспорти, жамоа жойлари, маҳаллаларда полиомиелитга қарши эмлашга бағишланган плакатлар осиб қўйилган. Шу боис аҳоли бу акцияни қизиқиш билан кутиб олди.

— Эмлаш кампанияси яхши ўтиши учун, биринчи навбатда, поликлиникамиз ҳудудидаги 5 ёшгача бўлган болалар рўйхати тузилди. Участка ҳамширалари маҳалла фаоллари ёрдамида тушунтириш ишларини бошлаб юборишди, — дейди Шайхонтоҳур туман марказий поликлиника раҳбари, олий тоифали шифокор Гулнора Бурхонова. — Шу билан бирга, эмлаш хоналари қайта жиҳозланди. 17 майдан эмлаш кампанияси бошланди. Албатта, дастлаб бироз қийин бўлди, кейин туман, шаҳар мутахассислари ёрдами билан ҳамма нарса изига тушиб кетди. Ўйлайманки, 2-босқич ҳам самарали ўтади. Бунинг учун бор куч ва имкониятимизни ишга соламиз.

Вакцинация болаларнинг саломатлиги учун муҳим рол ўйнайди. Биронта болада вакцинациядан сўнг аллергия, унинг токсик асоратлари кузатилмади. Бу эмлаш учун ишлатилган вакцинацияларнинг тозалиги, юқори сифатини билдиради.

Касалликнинг олдини олиш учун давлатимизда амалга оширилаётган ишлар мақтовга сазовор. Бундай тезкорлик, катта уюшқоқлик ўз самарасини бериши шубҳасиз.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор**

**Шахмат**



# Барчани бирлаштирган тадбир

1-2 июн кунлари Ўзбекистон Шахмат федерациясида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган мусобақа ташкил этилди.

Ўзбекистон Шахмат федерацияси ҳамда Европа комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида илк бор уюштирилган мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган саксон нафардан зиёд 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар иштирок этишди.

Тадбир аввалида, 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар қатнашиши мўлжалланган эди, — дейди Европа комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси Жамшид Бегматов. — Лекин 10 ёшдан кичик бўлган болалар ҳам ушбу мусобақада иштирок этиш истагини билдиришди. Уларнинг бу хоҳишларини инобатга олиб, шахмат усталарининг иштирокини истисно тарзида рухсат этдик. Улар эса ишончни оқлашмоқда. Масалан, мусобақанинг энг ёш ўйинчиси, Тошкент шаҳри вакили беш ёшли Нодирбек Абдусатторов биринчи кунданоқ ижобий натижаларни қайд этиб, ишончни оқлади. Бир сўз билан айтганда, 14 ёшгача бўлган барча Ўзбекистон чемпионлари шу ерга жамланишган.

Икки кун давомида дона сурган ўзбек шахматининг келажаги ҳисобланмиш ёшлар томошабинларга бир-биридан кескин ва муросасиз курашларни намойиш этишди. Якунда қуйидаги натижалар қайд этилди: Тўққиз имкониятдан 8 очко жамғарган Олек Артёменко биринчи поғонани банд этди. Иккинчи ўринга 7,5 очко тўплаган Қосим Алиев лойиқ топилди. Учинчи ўринга эса Искандар Арипов эгалик қилди.

Бу мусобақа анъанавий бўлиб қолади.

Иштирокчиларга ҳомий ташкилот — Европа комиссияси томонидан таъсис этилган махсус совғалар топширилди.

**Дилноза АКБАРОВА**

**Оммавийлик**

# Майдонда—директор

***Яқинда Фарғона вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамкорлигида спартакиада ташкил этилди. Эркаклар ўртасида мини футбол, аёллар ўртасида волейбол мусобақалари уюштирилди.***



Мини футбол бўйича 1-ўринни вилоят халқ таълими бошқармаси, 2-ўринни Бешариқ тумани, 3-ўринни Охунбобоев тумани жамоалари эгаллади.

Бундан ташқари, бир нечта номинациялар бўйича ҳам совриндорлар номи аниқ бўлди. «Энг яхши ҳужумчи» номинациясига Учкўприк тумани 31-мактаб директори Баҳодир Маматқулов, «Энг яхши дарвозабон» номинациясига Сўх тумани 10-мактаб директори Назиржон Эгамов, «Энг фаол жамоа» номинациясига Сўх тумани футбол жамоаси сазовор бўлди.

Аёллар мусобақаларида 1-ўрин Учкўприк тумани, 2-ўрин Ўзбекистон тумани, 3-ўрин Марғилон шаҳар жамоасига насиб этди. «Энг яхши ҳужумчи» номинациясини Марғилон шаҳар 8-мактаб директори Феруза Турсунова, «Энг яхши ҳимоячи» номинациясини Марғилон шаҳар 20-мактаб директори Шоира Маъмурова, «Энг фаол жамоа» номинациясини эса Фарғона тумани волейболчи аёллар жамоаси қўлга киритди.

**Д. ҒОФУРОВА,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мутахассиси**

**Тадбир**



# Азиз инсон эди

***Устоз мураббий, узоқ йиллар Қўшкўпир туманидаги 3-мактабда ёшларга меҳнат таълими ҳамда жисмоний тарбиядан сабоқ берган Отаназар Ёвбосаров хотирасига бағишлаб футбол мусобақаси уюштирилди.***

Икки кун давом этган турнирда тумандаги 6 та мактаб жамоалари ўзаро беллашди. Қизғин баҳслардан сўнг 3- ва 17-мактаб жамоалари биринчи ҳамда иккинчи ўринни эгаллади.

— Хотира турнири ўтказишдан мақсад, аввало, устозни хотирлаш бўлса, иккинчидан қишлоқларда спортни ривожлантиришга ҳисса қўшиш, иқтидорли болаларни излаб топиш ва рағбатлантириш, — дейди фермер Ҳикмат Худойберганов. — Бугун фарзандларимиз ўз кучқобилиятларини тўла намоён қилмоқда.

**Меҳрибон ТИЛЛАЕВА**

**Хотира турнири**

# Пскентдаги олишув



***Пскент туман Муротали қишлоғидаги 23-мактабда БЎСМ директори Иброимхон Тўрахонов ва мактаб директори Илҳом Йўлдошев хотираларини ёд этиш мақсадида 1991-1993 ва 1994-2000 йилларда туғилган ёшлар ўртасида эркин кураш бўйича вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди.***

Унда Тошкент, Ўртачирчиқ, Пскент, Бўка туманлари ва вилоятнинг фарзандларини полвон қилиб тарбиялайдиган қишлоқлари ҳамда Олмалиқ шаҳридан келган спорт клублари жамоалари ғолиблик учун беллашишди.

— Тадбир Баркамол авлод йилида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда полвонларнинг маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказишга хизмат қилди, — дейди Пскент туман Аграсаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Н.Зиявуддинов. — 200 нафардан зиёд ёш полвонларнинг иштироки биринчиликнинг қизиқарли ўтишини таъминлади.

Мусобақа якунида ўз вазн тоифаларида Бекпўлат Саидмуродов (Динамо), Шахзод Исмоилов (Олмалиқ), Оловуддин Музаффархонов (Муротали спорт клуби), Азиз Қаршибоев (Олмалиқ), Ҳаёт Расулов (Назарбек), Шароф Пардабоев (Муротали спорт клуби)лар ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишди. Уларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва димломлар топширилди.

**Муҳайё НУРМЕТОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

**Бокс**

# Рингда — 14 вазн тоифаси

***Юқори Чирчиқ туманидаги қурилиш иқтисод касб-ҳунар коллежида бокс турнири ташкил этилди.***

Ушбу турнир савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман кенгаши, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган қўмитаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар саъй-ҳаракати билан ўтказилди. Унда 1994-1995 йилларда туғилган Ўзбекистон ва ҳамдўстлик мамлакатларидан келган икки юздан ортиқ чарм қўлқоп усталари ўзаро ғолиблик учун беллашди.

Ўн тўрт вазн тоифасида рингга кўтарилган ёшлар ўз вазн тоифаларида фахрли ўринларни банд этди.

**Латифжон МАНСУРОВ**

**Ўқ отиш**

# Дуторчи қиз маҳорати

Урганчда вилоят техник ва амалий спорт турлари маркази базасида спортнинг пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича вилоят биринчилиги бўлиб ўтди.

Очилиш маросимида қатнашган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси Давронбек Ибрагимов мусобақа қатнашчиларини қизғин қутлади.

Сўнгра, беллашувларга старт берилди. Мерганлар баҳси ҳар қачонгидан ҳам қизиқарли кечди. Айниқса, биринчиликда илк бор қатнашган Урганч санъат коллежи жамоаси кутилмаган натижани қайд этди. Ушбу коллежнинг қизлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш борасида куч синашган вакиласи Зулфия Болтаева воҳанинг энг кучли мерганларини ҳам ортда қолдириб, чемпионликни қўлга киритди. Л. Ермолоева ва Ш. Матюсуповалар кейинги ўринлардан жой олди.

Шу йўналишнинг ўсмирлар ўртасидаги баҳсида шоботлик Умид Рўзимов ғалаба қозонди. Пневматик тўппончадан ўқ отиш машқида ҳам Шовот тумани вакили Ибрат Ўктамовга муносиб рақиб топилмади.

Умумжамоа ҳисобида Шовот тумани, Урганч санъат коллежи ва Урганч бирлашган техника мактаби жамоаси кучли учликни якунлаб беришди.

**Бахтиёр РАҲМАТУЛЛАЕВ**



# Дўстликни ривожлантириш йўлида

Шу йилнинг июн ойида Тошкентда Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари иштирокида саммит ўтказилади. Шунингдек, Хитой халқ республикаси раиси Ху Цзинтаонинг Ўзбекистонга давлат ташрифи амалга оширилади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ХХРнинг халқаро нуфузи ва ШҲТнинг Тошкентда бўладиган тадбирларида кенг иштирок этиши, ҳозирги замон жаҳон сиёсатида мазкур ташкилотнинг роли ва ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қадим цивилизациянинг бешикларидан бири ҳисобланмиш Хитой тарихи 4 ярим минг йилдан ортиқ бўлиб, бу мамлакат ўз тарихи мобайнида ҳар хил император ва подшоликларни кўрди. 1945 йилдан БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлмиш Хитой 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон республикаси мустақиллигини тан олган. 1992 йил 2 январда эса икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Хитой расмийларининг фикрича, Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён кўп томонлама алоқалар барқарор ривожланмоқда, сиёсий ишонч мустаҳкамланмоқда, савдо-иқтисодий ва энергетика соҳаларида, шунингдек, транспорт ва хавфсизлик йўналишларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1994 йилдан амал қилаётган энг кўп қулайлик яратиш тартиби асосида жадал ривожланмоқда. Ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги савдо-айланмаси 2 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу 2008 йилга нисбатан 19,8 фоиз кўпдир. Агар жаҳонда кузатилаётган глобал инқирознинг таъсири инобатга олинадиган, Хитойнинг бошқа давлатлар билан савдо айланмаси қисқаргани эътиборга олинса, бу яхши кўрсаткич экани ойдинлашади. Ўтган йили ишга туширилган «Марказий Осиё — Хитой» газ қувури Ўзбекистон-Хитой алоқаларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиши шубҳасиз. Таҳлилчиларнинг фикрича, томонлар савдо-иқтисодий, инвестиция соҳаларидаги имкониятлардан кенг фойдаланаётгани ютуқларнинг омили бўлмоқда. Ўзбекистон ва Хитой Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Ўзбекистон Хитой билан алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келади. Ҳамкорлик Хитой ва Ўзбекистон халқларининг кўп асрлик дўстлигига асосланади. Ҳар икки томон ҳам бу ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлаб келади. Ўзаро муносабатларнинг изчил ривожланишида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар алоҳида ўрин тутади. Ўтган йили Екатеринбург ва Ашхободда бўлиб ўтган тадбирлар доирасида Ислом Каримов ва Ху Цзинтао ўртасида алоҳида учрашув бўлиб ўтди. Шу йилнинг ўзида Хитой Жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжу, Молия вазири Сэ Сюйжэн ва ташқи ишлар вазири Ян Цзечинит Тошкентда бўлиб ўтган тадбирларда иштирок этиши ва Президент Ислом Каримов томонидан қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстона ҳамкорлик ва шериклик янги даражага кўтарилаётганини исботлаб турибди. Хитой расмийлари Ўзбекистон Президентини замонамизнинг буюк сиёсатчиси сифатида юксак қадрлашларини таъкидлаб келишади.

Хавфсизлик масаласида Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги ривожланмоқда. Уч ёвуз куч — терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашдаги икки мамлакат мавқеи ҳамоҳангдир. Ижтимоий масалаларда ҳам икки томонлама ҳамкорлик мунтазам ривожланмоқда.

Хитойлик журналистлар мамлакатимиз ҳақида илиқ таассуротларини билдириб келишган. Рус тилида нашр қилинадиган «Китай» журналининг шу йилги феврал сонида Фу Минсиннинг «Ўзбекистон хитойлик журналист нигоҳида» деб номланган катта мақоласи эълон қилинди. Унда 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловлари юқори савияда ўтгани борасида маълумот беришдан ташқари, муаллиф Ўзбекистонни «ажойиб мамлакат», дея таърифлайди ҳамда ўзбек халқининг бугунги фаровон турмуши, Тошкент ва Самарқанд каби қадимий шаҳарлардаги тарихий обидалар ҳақида ҳикоя қилади. «Женмин Жибао» газетасида босилган мақолада ХХР билан Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар йўлга қўйилганидан сўнг икки томонлама алоқалар барқарор тарзда муваффақият билан ривожланаётгани, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро сиёсий ишонч тобора мустаҳкамланаётгани таъкидланади. Хитой оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим ва энг нуфузли давлат эканлигига урғу бериб, «Ўзбекистон минтақадаги масалаларда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини» қайд қилишади. Хитойлик таҳлилчиларнинг фикрича, Ўзбекистон билан дўстона ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантириш ХХР ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**


## Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

*Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Бекобод тумани Ёшлик ХХСК майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:*

1.13.05.2010 йилдаги № 5801-сон ижро ҳужжатига асосан 1984 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 10 О 9969 бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 1 744 437 сўм.

2. 13.05.2010 йилдаги № 5803-сон ижро ҳужжатига асосан 1988 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 L 9135 бўлган «Зил 431610» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 4 364 044 сўм.

3. 13.05.2010 йилдаги № 5800-сон ижро ҳужжатига асосан 1985 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 10 F 952 AA бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 21 555 059 сўм.

4. 13.05.2010 йилдаги № 5802-сон ижро ҳужжатига асосан 1995 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 12 F 8358 бўлган «Газ 31029» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 3 422 149 сўм.

5. 13.05.2010 йилдаги № 5799-сон ижро ҳужжатига асосан 1982 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 P 7315 бўлган «Камаз 5320» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 18 595 943 сўм.

6. 15.07.2010 йилдаги № 6011-сон ижро ҳужжатига асосан 2004 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. X 152 DCN бўлган «Ваз 2107» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 6 736 814 сўм.

7. 25.03.2010 йилдаги № 3034-сон ижро ҳужжатига асосан 1972 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 C 6966 бўлган «Маз516Б» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 7 289 672 сўм.

8. 25.06.2009 йилдаги № 3035-сон ижро ҳужжатига асосан 1986 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 Q 1861 бўлган «Камаз53212» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 26 393 363 сўм.

9. 25.06.2009 йилдаги № 3036-сон ижро ҳужжатига асосан 1989 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. 11 A 8260 бўлган «Камаз» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 28 434 118 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 6 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 6 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 22 июл куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани СИБ томонидан аукцион савдосига такроран 2010 йил 22 июн кунига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик судининг 21.10.2009 йилидаги қарори асосида берилган 1-4647/2009-сонли ижро варақасига асосан Мирпўлатов Дилмурод Камалджановичга қарашли Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент қишлоғида жойлашган майдони 80,32 кв.м., қурилиш майдони 119,02 кв. ва умумий ер майдони 5789,66 кв.м. бўлган Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси (комплекс ҳолда) қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 125 000 000 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.**
**Лицензия: DB 001 №000003**



## «POYTAXT AUKSION» ДУК 2010 йил 8 июл куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 4-уйда жойлашган, «Toshkentshaharelektrtransport» Давлат компаниясининг 2-сонли троллейбус депоси тасарруфидаги 2001й. и/ч, д/р 10АС767, бошланғич нархи 3500000 сўм бўлган «Нексия» русумли;

Тошкент ш., Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган, «O'ZBEKYENGILSANOAT»ДАК «Ишлар бошқармаси» унитар корхонаси тасарруфидаги 1999й. и/ч, д/р 10АХ159, бошланғич нархи 11151000 сўм бўлган «Опель Омега 2,2», 1995й. и/ч, д/р 10АК210, бошланғич нархи 1624000 сўм бўлган «ГАЗ-31029» русумли;

Тошкент вилояти, Паркент тумани, Пискент шаҳри, Мустақиллик кўчаси 1-уйда жойлашган «Agrobank»ОАТБ Пискент филиали тасарруфидаги 1997й. и/ч, д/б 11АА743, бошланғич нархи 2200000 сўм бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION» ДУКни АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй.

Алоқа телефони: 233-23-49,
факс: 233-23-40,
электрон почта P-A DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати Ишлар Бошқармасининг автохўжалиги тасарруфидаги д/р 10АА960 бўлган «ДЭУ Лабо» 3900000 сўмга, д/р 01/353PPP бўлган «ГАЗ-31029» 2500000 сўмга, д/р 01/360PPP бўлган «ГАЗ-31029» 2400000 сўмга, д/р 01/402PPP бўлган «ГАЗ-3102» 3600000 сўмга, д/р 10АА937 бўлган «ГАЗ-53б» 3200000 сўмга; Тошкент вилояти Адлия бошқармаси тасарруфидаги д/р 10AJ746 бўлган «Тико» 4350000 сўмга; «Adolat» ДУК тасарруфидаги д/р 10AR474 бўлган «ГАЗ-3110101» 4800000 сўмга; «Toshkentvino kombinati» ОАЖ тасарруфидаги д/р 10АТ903 бўлган «ГАЗ-5312» 1950000 сўмга, д/р 10АТ901 бўлган «ГАЗ-5312 АЦД 3,7» 1800000 сўмга; д/р 10АР020 бўлган «ГАЗ-53А» 1700000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.


## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Хоразм вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталари раислар кенгаши раиси Эргаш Мирзаевга волидаи муҳтарамаси

**ХОЖАР она**нинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси «Ishonch» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммадзайниддин Рихсиевга опаси

**Нафиса ЗУФАРОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма кенгаши жамоаси кенгаш бош ҳисобчиси М.Азимовга онаси

**САДЕТ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«MURUVVAT-AGROSANOAT» хорижий шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси корхона бош маслаҳатчиси Азмиддин Садриддиновга укаси

**Масловиддин САДРИДДИНОВ**нинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Янграйверсин кулгуси



Фарзандлар қувончи ва табассуми дунёдаги барча шодлик ва байрамлардан устун эканлигини биз катталар англаб етиб бўлганмиз. Болалар ичида иқтидорли ва истеъдодлиларини излаб топиш шарт эмас. Агар уларга эътиборлироқ бўлсак, уларнинг нималарга қодир эканлигини очиқ-ойдин кўришимиз мумкин.

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бошқармаси томонидан «Мафтункор ранглар жилоси» расмлар кўрик-танлови ташкиллаштирилди. Ногирон болалар ижодларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган мазкур танловда соғлиғида нуқсони бўлган, бармоқлари бўлмаса-да ҳайратланарли расмлар чизган болалар иштирок этишди. Уларнинг ижод намуналари ҳаммани ҳайратга солди, ҳам қувонч, ҳам кўз ёшлар билан уларга совғалар тақдим этилди.

Биринчи ўрин соҳибига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан телевизор, қолган барча иштирокчиларга футболкалар тақдим этилди. Бундан ташқари, вилоятдаги корхона ва ташкилотлар ҳомийлигида болаларга кўплаб совғалар топширилди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**


Чотқол қўриқхонасининг хушманзара табиати қўйнида жойлашган

## «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи

**2010 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.**

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменадан ташкил топган. Ҳар бир смена 15 кундан иборат.

**Мавсумнинг бошланиши — 15.06.2010 й.**
**Йўлланманинг баҳоси — 168000 сўм.**

Қийматига 5 мартали овқатланиш, тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлари киради.



Йўлланмаларни улгуржи баҳоларда олувчиларга чегирмалар мавжуд.

**Манзил: Собир Раҳимов тумани, Ғалаба-1.**

**Тел: 248-15-01; 248-10-03**


Керак тарбият
ёшликдан керак,
Улуғ бўлса, лозим
келур ғам емак.
Абдулла АВЛОНИЙ

Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир.
**«Ҳадисдан»**

Тўқбой қишлоғи паст-баланд тепаликлар бағрида жойлашган бўлиб, азим Қашқа анча қуйидан ёйилиб оқади. Қишлоқ аҳли қадимдан дарё ёқалаб қазилган Ниёза ариғидан сув ичиб келган. Ҳар бир хонадон ҳовлисида катта-кичик боғ бўлиши анъана тусини олган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қишлоқдаги энг кўркам боғ, шубҳасиз, Дўстмурод бобоники бўлган. Боғдан анжир, олма, нок, гилос, зардоли, беҳи, узум, қўйингчи, барча мева турини топиш мумкин эди.

# Кўнгил мулки

Боғ соҳиби Дўстмурод бобо меҳнаткаш, камсуқум киши бўлиб, боғбонлик билан бир қаторда яхшигина ҳунарманд ҳам эди.

Яқинда боғбон бобонинг ўғли Аҳмаджон билан суҳбатлашиб қолдим. Эй, ошна, дарахт ҳам худди инсонга ўхшар экан. Отамнинг вафотидан сўнг негадир боғдаги дарахтлар мунғайиб қолгандек бўлди. Кейин эса бирин-кетин қурий бошлади. Қанча ҳаракат қилмайин, уларни асраб қололмадим. Аччиғим келди ва боғни текислаб ўрнига картошка, сабзи, помидор экдим. Ҳосил мўл бўлди. Олган даромад ҳисобидан тўйлар қилдим, машина олдим, уйимни янгиладим. Лекин негадир кўнглим нотинч эди. Дардимни энамга айтдим. Шунда энам:

— Болам, агар кўнглим тинч бўлсин десанг, отангнинг боғини қайта тикла, — деди.

— Ўша йили эрта баҳорда энг сара кўчатларни олиб келиб, ҳовлимда яна қайта боғ ташкил қилдим. Уларни вақтида суғордим, парваришладим. Бир-икки йилда ниҳоллар қад ростлади, гуллаб шиғил-шиғил мева тугди. Ниҳоят, кўнглим таскин топди.

Бугун боғ невараларимнинг севимли жойига айланган. Улар билан андармон бўлиб, вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмай қоламан. Мана бир неча йилдирки, рўзғордан ортган меваларни бозорга чиқарамиз. Келинингиз ҳам шу йилларда ишбилармон чиқиб қолди. Эрта баҳорда помидор, булғор қалампири кўчатларини етиштириб, бозорда сотади. Қайта барпо қилинган отамнинг боғи ва меҳнатимиз боис турмушимиз файзли, рўзғоримиз обод.

**Ўролбой ҚОБИЛ**





Insonga naf keltirish – oliy baxt

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир**
**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев** (Бош муҳаррир ўринбосари), ***Жаҳонгир Шарофбоев*** (масъул котиб), ***Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев***

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
Котибият: **256-52-78**
Хатлар бўлими: **256-85-43**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

**Манзилимиз:**
**100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.**
**Нашр кўрсаткичи: 133; 134**

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

**Сотувда эркин нархда**



Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.



E-mail: mail@ishonch.uz

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

**Навбатчи котиб:**
**Ж.Шарофбоев**

**Навбатчи:**
**А.Абдуллаев**

**Мусаҳҳиҳ:**
**С.Шодиева**

**Саҳифаловчи-дизайнер:**
**Ҳ.Абдужалилов**

**Босишга топшириш вақти - 21.00**
**Топширилди - 22.30**

Буюртма Г—551

Тиражи: 18774

ISSN 2010-5002

2345